

633.51
X-85

ЎЗБЕКИСТОН ССР „БИЛИМ“ ЖАМИЯТИ

К. Хотамов

ШҶРҲОК
ЕРЛАРДА
ЮҚОРИ
ҲОСИЛ
ЕТИШТИРИШ
УСТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ

Қ. ҲОТАМОВ,
иқтисод фанлари кандидати

633.51
X-85

ШУРХОҚ ЕРЛАРДА ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ УСТАСИ

dp1382872
(Янгиариқ районидаги Аваз Утар номи колхознинг Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони Искандар Юсупов бошлиқ бригаданинг
пахтадан юқори ҳосил олиш тажрибаси ҳақида)

№ 36



Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг
бирлашган нашриёти
Тошкент—1965

633.51

X 68

Ҳатамов Қодир.

Шўрхок ерларда юқори ҳосил етиштириш
устаси. (Янгиариқ районидаги Аваз Утар
номли колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳра-
мони Искандар Юсупов бошлиқ бригаданинг
пахтадан юқори ҳосил олиш тажрибаси ҳақида).
Т., Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1965.

53 бет, расм. (ЎзССР «Билим» жа-
мийати № 36). Тиражи 17960.

Ҳатамов К. Мастер высоких урожаев на
засоленных землях.

633.51

Кириш

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш муҳим иқтисодий вазифадир. Бунин амалга оширмай туриб, юқори даражадаги техника ва энергетика билан қуролланган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тез суръатлар билан ривожлантириш ҳамда уни такомиллаштириш мумкин эмас.

Интенсивлашнинг иқтисодий мазмуни — бу ҳар бир гектар майдондан кўп миқдорда маҳсулот етиштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда механизация ва химизацияга асосланган ҳолда ҳар бир гектар ердан кўпроқ фойда олишдан иборат.

Бу вазифани амалга оширишда қишлоқ хўжалик илғорлари ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Шунинг учун илғорлар тажрибасини ўрганиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳам иқтисодий ва ҳам сиёсий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида пахтачиликни тобора ривожлантириш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, комплекс механизацияни жорий этиш, химия воситаларидан кенг кўламда фойдаланиб, пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш вазифаси турибди.

Бу улуғвор вазифани бажаришда илғорлар тўплаган тажрибани кенг пропаганда қилиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу жиҳатдан Хоразм область Янгиариқ районидаги

Аваз Ўтар номли колхознинг Искандар Юсупов бошлиқ бригадаси эришган ютуқларни ва улар тўплаган бой тажрибани оммалаштириш ҳамда уни ишлаб чиқаришга жорий этиш катта иқтисодий фойда келтиради.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор Искандар Юсупов бошлиқ комплекс механизациялашган бригада йил сайин пахтадан юқори ҳосил етиштириб келмоқда. Ушбу брошюра бригада аъзолари қандай қилиб шўрхок ерларда юқори ҳосил етиштираётганлигини, улар қўллаган агротехника тадбирлари ва арзон пахта етиштириш усулларини баён этади.

Бу брошюра қишлоқ хўжалик мутахассисларига, колхоз ва совхоз раҳбарларига ҳамда кенг колхозчилар оммасига мўлжалланади.

Қаҳрамонни етиштирган колхоз ҳақида

Искандар Юсуповдек пахта устасини етиштирган колхознинг экономикасини, унинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини йил сайин ошириб келаётганини қисқача баён қилмай туриб, Искандар Юсупов бошлиқ бригада тажрибасини ёритиш мантиқан нотўғри бўлур эди. Чунки Искандар Юсупов бошлиқ бригада Аваз Утар номли колхознинг ажралмас бўлаги бўлиб, бутун колхоз унинг йотуғига ҳам, камчилигига ҳам баб-баравар шерикдир.

Бу колхоз Хоразм области шароитида ўртача хўжалик бўлиб, пахтачилик унинг етакчи тармоғи ҳисобланади. 1953 йилга қадар бошқа кўпгина колхозлар қатори бу колхоз ҳам қолоқ эди. Пахта, галла ва бошқа экинлардан кам ҳосил олинар эди.

1954 йил колхоз учун бурилиш йили бўлди. Уша йили илгариги йиллардагига нисбатан пахта ҳосили гектар бўшига 3 центнердан оширилди. Ана шундан бери колхоз пахта ҳосилдорлигини ҳар йили муттасил ошириб келмоқда. Бунини қуйида берилган 1-жадвалдаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин.

1-жадвал

Йиллар	Пахта майдони (гектар ҳисобида)	Ҳар гектардан олинган ҳосил (центнер ҳисобида)	Ялпи ҳосил (центнер ҳисобида)
1953—1956 (ўртача тўрт йил)	690	21,5	14835
1957—1960 (ўртача тўрт йил)	794	28,5	22579
1961—1964 (ўртача тўрт йил)	933	33,7	31415

Пахта майдонининг кенгайиши ва ҳосилининг ошиб бориши тадрижий суратда бўлган. Пахта майдони биринчи тўрт йилликдагига қараганда иккинчи тўрт йилликда 13,1 процентга кенгайган, ҳосилдорлик эса шу давр мобайнида 24,5 процентга оширилган. Иккинчи тўрт йилликда эса пахта майдони 22 процентга, ҳосилдорлик эса 14,8 процентга ошганини кўрамиз.

Колхоз ўн йил ичида ҳосилдорликни 45 процентга ёки 17,1 центнерга оширган. Шу муддат ичида пахта экин майдони 41 процентга ёки 1953 йилдаги 554 гектардан 1963 йилда 940 гектарга етказилган.

Қилинган ҳисоблардан колхоз пахтачиликни ҳам интенсив, ҳам экстенсив равишда ривожлантираётганлиги кўриниб турибди.

Шу давр ичида хўжаликнинг чорвачилик, боғдорчилик ва ғаллачилик сингари тармоқлари ҳам бирмунча ривожлантирилди. Ҳозир колхоз чорва фермаларида 1261 бош қорамол, шу жумладан 236 бош сигир ва 1704 бош қўй парвариш қилинмоқда. Колхозда узумчилик тармоғи ҳам яхши ривож топган.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан келмади, албатта. Бунга қўлга киритиш учун колхоз меҳнаткашлари ҳозирги замон техникасидан тўлиқ фойдаланиш ва илғор тажриба ҳамда фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш натижасида қўлга киритдилар.

Шуни айтиш керакки, колхоз 1953 йилгача ва ундан кейин ҳам пахтадан жуда кам ҳосил олар эди.

Колхознинг меҳнатсевар аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ер структурасини яхшилашга киришдилар. Пахта майдонларининг асосий қисми шўрхок ерлардан иборат бўлганлиги учун асосий эътибор шўр ювишга қаратилди.

Колхозда миришкор шўр юувчи сувчилар етишиб чиқди ва колхоз даласидаги шўрни ювиш учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном Ражаб Болтаев бошчилигида колхоз шаронтига мўс келадиган янги система ишлаб чиқдилар. Янги зовурлар ва коллекторлар олинди. Қарталар атрофидаги ариқлар қазилди ва ерга «янги» тупроқ тўкилди. Бунинг учун зовур ва ариқлардан қазиб чиқарилган тупроқ ҳамда эски девор кесакларидан яхши фойдаланилди.

Пахта майдонларининг ҳаммаси февраль ойи ичидаёқ тўлиқ шўрдан холи этилиб, қайта-қайта бороналан-

ди. Йил давомида ҳар гектар пахта майдониға 10 — 12 тоннадан гўнг солиш одат тусиға кирди.

Гўза парваришидаги бошқа ишлар ҳар йили яхши агротехника муддатларида ўтказиладиган бўлди. Кўрилган бу тадбирлар яхши натижалар берди. Пахта ҳосилдорлиғи кескин кўтарилди.

Қолхоз пахтакорлари 1963 йилда қарийб 38 центнерға етказиб ҳосил олдилар.

Ҳозир қолхоз трактор паркида 15 от кучиға айлан-тириб ҳисобланганда 68 та трактор, 18 та пахта териш машинаси, 19 та юк автомашинаси ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари мавжуд.

Ана шу машиналарни ҳаракатға келтирадиган ўнлаб ажойиб механизатор кадрлар, миришкор пахта усталари, ишнинг кўзини яхши биладиган тадбиркор бригада бошлиқлари ва бошқа кўплаб раҳбар ҳамда ҳисобот ходимлари етишди.

Булар жумласиға йил сайин ҳар гектар ердан 35 — 40 центнерға етказиб пахта етиштираётган Салой Раҳимов, Тоҳир Йўлдошев, Амин Ҳожиниёзов, Матёқуб Эгамов, Аҳмад Юсупов, Шомурод Таннев, Болтабой Қурбонов каби бригада бошлиқлари, мавсумда ўз пўлат агрегати билан 70 — 80 тоннаға етказиб пахта тераётган Абдушариф Худойберганов, Жуманиёз Юсупов, Иброҳим Бекчонов сингари механик-ҳайдовчиларини, Матчон Полвонов, Отаберган Раҳимов, Оғабой Мадрахимов, Ҳасанбай Собиров, Пошшахон Искандаровадек уста сувчиларини, миришкор богбон ва чорвадорларини кiritиш мумкин.

Қолхоз оғирини енгил қилаётганлар ана шулар ва шуларға ўхшаган жонкуяр қолхозчилардир.

Биз юқорида номларини тилға олган қолхоз илғорлари том маъноси билан Искандарнинг устозларидир. Искандарни меҳнатға, олға қараб интилишға, ҳамма вақт энг оғир участкада туриб, янгиликни дадиллик билан олға суришға ўргатган ана шулар.

Унинг Республикада хизмат кўрсатган механизатор унвонини олишига ҳам, яқинда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлишига ҳам ана шулар кўмаклашган ва зарур бўлганда маслаҳатларини аямаганлар.

Аваз ўтарликлар бу йил Искандарни область Советига депутат қилиб сайладилар, бу билан унга ўзларининг катта ишончларини билдирдилар.

Меҳнат улуғлаган йигит

Она ерга, забардаст техникага бўлган муҳаббат, меҳнатсеварлик, мақсадга эришиш йўлидан қайтмаслик Искандар Юсуповни улуғлади ва унинг номини ҳаммага танитди.

Деҳқончилик Искандар Юсуповга ота мерос. Юсуп ота колхоз тузганларнинг бири. Ҳозир ҳам бу нуроний чол ҳормай-толмай колхоз даласида меҳнат қилмоқда.



1-расм. Искандар Юсупов пахта даласида.

Узининг кўп йиллик бой тажрибасини ёшларга улашиб, колхоз пахтачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Юсуп ота колхоз тузилгандан буён бригадирлик қилди. Урушдан сўнг, колхоз ҳар томонлама ривожлангач,

чаласавод деҳқон бригадирликини ўғли Искандарга топширди. Ана шундан буён қарийб 15 йил ўтди.

Бригадирликнинг дастлабки йилларида Искандарнинг иши ҳа деганда илгари боса бермади. Йигит деҳқончилик асосларини ва янги техникани эгалламай туриб, ғалабани қўлга кирита олмаслигига ишонгач, механизаторлар мактабига ўқишга кирди ва уни муваффақиятли тамомлади.

Илғор тажриба ва комплекс механизация унга шон-шуҳрат келтирди.

Агробиология фани ютуқлари ва кекса ҳамқишлоқлари тўплаган бой тажрибага ҳамда пахта етиштиришда янги технологияни қўллаш ҳар гектардан олинадиган ҳосилни муттасил ошириш имкониятини берди.

Биз И. Юсупов бригадасининг асосан 1963 ва 1964 йилларда эришган ютуқлари тўғрисида мулоҳаза юритамиз.

1963 йилда И. Юсупов бошлиқ бригада аъзолари 63 гектар майдоннинг ҳар гектарида 53,5 центнердан пахта етиштириб, республикада рекорд қўйдилар.

Бригада аъзолари эришган ютуқ ҳамма ерда тилга олинадиган бўлди ва уларнинг меҳнати ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан тақдирлана бошланди.

Бундан руҳланган бригадир И. Юсупов ва унинг дўстлари янада юксакроқ марраларни забт этиш учун курашга отландилар.

1964 йилнинг жуда ноқулай келишига қарамай, жуда кўп қийинчиликларни қаҳрамонларча енгиб, янада рекорд ҳосил етиштиришга муяссар бўлдилар.

Ўтган йили бригада аъзолари биркирилган 63 гектар ернинг ҳар гектарида 55,3 центнер ҳосил етиштириб, халқимиз ҳурматига сазовор бўлдилар.

Искандар Юсупов бошлиқ бригада эришган даражага эртага Ўзбекистондаги бошқа бригада, колхоз ва совхозлар ҳам эришишлари лозим.

Искандар Юсупов бригадаси тупроққа йил давомида ишлов беради. Унинг таркибини бойитади ва унга меҳрибонлик кўрсатади. Бу ҳол арзон ва мўл ҳосил етиштириш имконини бермоқда.

Жадвал рақамларидан кўриниб турибдики, Искандар Юсупов бошлиқ бригадада бир гектар пахта майдонига сарфланган меҳнат область колхозлари бўйича ва Аваз Ўтар номли колхоз бўйича сарфланган ўртача меҳнатдан

Искандар Юсупов бригадасининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1963		1964
	Хоразм об- ласть кол- хозларида (ўргача ҳи- собда)	Аваз Ўтар номли кол- хозда (ўр- тача ҳи- собда)	И. Юсупов бригада- сида
Ҳар гектардан олинган ҳо- сил (центнер ҳисобида) .	31	30,6	55,3
1 гектар пахта майдонига сарфланган меҳнат (ки- ши-кунин ҳисобида) . . .	197,6	169	251
1 центнерин етиштириш учун сарфланган меҳнат (киши-кунин ҳисобида) . .	5,4	5,8	4,5
1 киши-кунин ҳисобига етиш- тирилган пахта (кило- грамм ҳисобида)	15,7	18,1	45,5
1 центнер пахтанинг тап- вархи	24,16	20,20	16,30
Пахтачиликка бирктирилган ҳар бир колхозчи ҳисо- бига етиштирилган пахта (тонна ҳисобида)	3,7	4,2	6,5
Пахтачиликда ҳар бир колхозчига тўғри келадиган нагрузка (гектар ҳи- собда)	1,2	1,4	2,5

1,9 барабар кўп бўлган. Бунинг сабаби шундаки, бригада ҳали жуда кўп ишни қўлда бажармоқда. Бу ишлар жумласига бригадалараро ва бригада ичидаги ариқ-зовурларни қозиш, қишда яхоб ҳамда 4—5 маргалаб шўр ювиш, кўп ҳажмли ер текислаш ва уйма-уй юриб гўнг тўплаш кабилар киради. Лекин меҳнатнинг бу қадар кўп сарфланиши бригадага қўшимча ҳосил келтирмоқда.

Искандар Юсупов бригадаси ҳар гектардан областдагига қараганда 1,9 барабар ва колхозга қараганда 2 барабар ортиқ пахта ҳосили етиштирган.

Пахтачиликдаги ҳар бир колхозчига тўғри келадиган экин майдони нагрукаси ҳам И. Юсупов бригадасида

областдагидан 2 баравар, колхоздагидан эса 1,5 баравар кўп бўлган. Бу бригадага биркирилган ҳар бир ходим ҳисобига область бўйича олинган ўртача ҳисобга қараганда икки баравар, колхоз бўйича олинганига қараганда эса қарийб 1,6 баравар кўпроқ пахта етиштириш имкониятини берди.

Асосий ва кўпчилик ердаги ишларда механизациядан кенг фойдаланиш ва химия воситаларини кенг қўлланиш натижасида Искандар Юсупов бригадаси кам меҳнат сарфлаб, кўп пахта етиштирмоқда.

Бир центнер пахта етиштиришга 4,5 киши-кун и сарфланиб, тўғри харажатлар бўйича унинг таннари 17 сўм 10 тийинга тўғри келди. Бу кўрсаткичлар область бўйича 5,4 киши-кун и ва 24 сўм-у 16 тийинга, колхоз бўйича эса 5,8 киши-кун и ва 20 сўм-у 20 тийинга тўғри келди.

Бу ютуқлар энг қулай шарт-шароит ёки қандайдир мўъжизанинг натижаси эмас, албатта. Бу техникани яхши билиш, технологияни муттасил такомиллаштириб бориш ва меҳнатни аъло даражада ташкил этиш натижасида қўлга киритилган ютуқдир.

Искандар Юсупов бригадаси бутун қўлга киритган ана шу ютуқни эртага бошқа бригадалар ва хўжаликларнинг эришишига шубҳа йўқ. Лекин ана шу эртани қандай яқинлаштириш керак? Бунинг учун, бизнинг фикримизча, Юсуповчилар тажрибасини кенг ёйиш ва уни пухта ўрганиб, ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Искандар Юсупов бригадасида юқори ҳосил бутун йил давомида кўрилган тадбирлар натижасида қўлга киритилган.

Бригада аъзолари қиш ойларида ўз агротехника ва деҳқончилик маҳоратларини ошириш учун қунт билан ўқийдилар. Технологик карта тузилади ва у атрофлича муҳокама қилинади. Ҳар бир бригада аъзосининг мулоҳазаси тингланади, маъқул кўрилгани ҳисобга олинади.

60 центнер ҳосил олиш учун қандай ишлар қайси муддатда бажарилиши, қанча маҳаллий ва минерал ўғит талаб қилиниши ҳисоблаб чиқилади. Қайси участкага қанча минерал ва маҳаллий ўғит қайси муддатда солиниши, қайси участкада қачон шўр ювиш жераклиги, қачон молалаш ва бороналаш ўтказилиши ва шунга ўхшаш бошқа бир қатор муҳим агротехник тадбирлар далалар-

ни қор қоплаб ётган пайтда атрофлича муҳокама қилинади ва белгилаб қўйилади.

Қиш фаслидаёқ бригада ўзига биркитилган барча техникани, от-улов ва арава ҳамда прицепларни ремонтдан чиқариб, экишга тахт қилиб қўяди.

Механизаторлар трактор ремонти билан банд бўлган кезларда, бригаданинг бошқа аъзолари ариқ-зовурларни тозалаш, гўнг ташиш ва уни компостлаш ишларини бажарадилар.

Арзон ва мўл пахта етиштиришда техника— деҳқоннинг дўсти ва мададкоридир

Комплекс механизацияни жорий қилмай туриб, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини интенсив асосда ривожлантириб бўлмайди. КПСС Программасида: «Қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг ва мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг асосий йўли — ҳар томонлама механизациялаштириш ва изчил **интенсивлаштириш**..., меҳнат ва маблағларни энг кам сарфлаган ҳолда бир гектар ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришдир»¹ дейилган.

Маълумки, пахтачилик қишлоқ хўжалигининг энг кўп меҳнат талаб қиладиган соҳаси ҳисобланади. Пахтачиликдаги механизация ва технологиянинг ҳозирги даражасида жуда кўп меҳнат сарфланмоқда.

1963 йилда республика колхозларида бир гектар пахта майдонини ишлаш учун 139,5 киши-кунни сарфланди. Хоразм колхозлари эса бу мақсад учун янада кўпроқ, яъни 170,6 киши-кунни сарфладилар.

Пахтачиликдаги ҳозирги мавжуд машиналар системаси кўпгина сермеҳнат ишларни механизациялаш имконини беради. Комплекс механизацияни жорий этиш эса кам унумли ва оғир қўл меҳнати сарфларини камайтириш, пахта етиштириш учун қилинадиган барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда кам маблағ ва кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етиштириш имкониятини беради.

Айрим сермеҳнат ишларни механизациялашдан бар-

¹ КПСС Программаси, 78-бет.

ча ишларни комплекс механизациялашга ўтиш меҳнат сарфларини кескин камайтириб, ҳосилни оширади. Бунинг натижасида эса меҳнат унумдорлиги ҳам кескин ошади.

Бу ишни амалга ошириш асосан техника кимнинг қўлига бериб қўйилганига, сифатли бажарилган иш учун механизаторларнинг нечоғли манфаатдорлигига, уларнинг ташаббуслари қай даражада рағбатлантирилишига ҳамда ана шу машина карвонларининг маҳоратига, техника ва агротехника маълумотларига боғлиқдир.

Чунки пахтачилик тараққиётининг ҳозирги босқичи кенг механизацияга ҳамда химия воситаларига асосланган учун бригада ва звенога қишлоқ хўжалик техникаси билан бирга агротехникани ҳам яхши биладиган механизатор бошчилик қилиши лозимлигини талаб қилади. Ана шундай қилингандагина техникадан ҳам, ердан ҳам ва бошқа моддий ресурслардан ҳам тўлиқ фойдаланиш имконияти туғилади.

Ердан, техникадан ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланмай туриб, пахта ва бошқа экинлар ҳосилини ошириб бўлмайди.

Бу ҳақиқатни Искандар Юсупов ва унинг бригадаси аъзолари жуда яхши тушунадилар ва шунинг учун ҳам техникани қадрлайдилар, она ерни эса обдон тўйдирадилар.

Ўтган йили бригадага 27 киши, 63 гектар пахта майдони, битта ҳайдов трактори (ДТ-54), битта чопиқ трактори (ДТ-28), транспорт мақсадлари учун ишлатиладиган битта трактор ҳамда иккита пахта териш машинаси (ХВС-1,2) ва бошқа турли қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари биркирилган эди. Бундан ташқари, бригада дала-сида битта СКО-4 маркали кўрак терувчи машина, иккита сеялка, 2 культиватор ишлади.

Бригадага биркирилган машиналар комплексидан кўриниб турибдики, бунда бошқа бригадалардаги машиналар комплексидан деярли ҳеч фарқи йўқ.

Искандар Юсупов бригадаси муваффақиятининг «сири» мавжуд машиналар комплексидан оқилона фойдалана билишдадир.

Турли-туман машиналарнинг мавжудлиги кифоя қилмайди. Ана шу техникадан рационал фойдалана олиш ва уни мукамал эгаллаш зарур.

Экономист олимларнинг ҳисоблари техникадан унум-

ли фойдаланишнинг иқтисодий самараси катта эканини кўрсатмоқда.

Масалан, ХВС-1,2 маркали пахта териш машинасида мавсумда 75—80 тонна пахта терилса, ҳар бир тонна терилган пахта учун 14—15 сўмлик машинанинг амортизацияси ва жорий ремонт учун чегирилади, агар мавсумда 140—150 тонна терилса, бу пул 8 сўмгача пасаяди. Бундан ташқари, ёнилғи ва мойлаш материаллари тежалиб, ҳосилни йиғиб олиш муддатлари бирмунча қисқаради.

Буни бригада бошлиғи ва унинг барча аъзолари жуда яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам бригада ихтиёридаги барча техникадан унумли фойдаланилади. Бу ҳол ўз навбатида мўл ва арзон пахта етиштириш имкониятини беради.

Бригада аъзолари (улардан 3-киши механизатор) механизация ишлари билан қўл-от ишларини бирга қўшиб олиб борадилар. Бунинг натижасида иш ҳажми қисқаради ва ғўза парвариши учун амалга ошириладиган барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ҳамда юқори сифатли қилиб ўтказилади.

Прогрессив агротехника — юқори ҳосил калити

Искандар Юсупов бошлиқ бригада бир қатор йиллар давомида шўрхок ерларда мўл пахта ҳосили етиштириб келмоқда. Бу мўл ҳосил бутун йил мобайнида бригада аъзоларининг ҳалол ва қаҳрамонона меҳнати туфайли қўлга киритилмоқда.

Пахта терим-йиғими охираётгандаёқ, келаси йил ҳосили учун кураш авж олдирилади. Бригада аъзолари кеч куз ва қаҳратон қиш ойларида далага гўнг ташийдилар. Ҳар бир участка четида 20 тонна ҳисобида гўнг, чиринди тупроқ, эски девор, ариқ-зовурларни қазилдан чиққан лойқа ва суперфосфат аралашмасидан иборат компост тайёрлаб, унинг устини тупроқ билан бекитиб қўядилар. Тайёрланган компост ерни ҳайдаш олдида гўнг сепгич машинаси ёрдамида ва қўлда ер бетига сепилади.

Бригада территориясида 3,5 километрга яқин кичик ариқлар бор. Бу ариқларни чуқур ва сифатли қазил

муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, бу ариқлардан чиққан лойқа компост тайёрлашга ишлатилса, иккинчидан, йил давомида сув яхши оқиб, унинг беҳуда nobуд бўлишига чек қўйилади. Бригада аъзолари бу ишларни чаққонлик билан қисқа муддатда, яъни 10 иш-кунида тугаллайдилар.

Маълумки, Хоразм ерлари шўрланган. Янгиариқ районидаги Аваз Утар номли, шу жумладан Искандар Юсупов бошлиқ бригада ерлари ҳам ўта шўрланган. Бу хил ерларнинг шўри обдон тоза ювилмаса, ундан юқори ҳосил олиш мумкин эмас. Бунини яхши тушунган бригада аъзолари чигит экиладиган барча майдонлар шўринини тоза ювишга катта эътибор берадилар.

Ер шўринини тоза ювиш катта тажриба ва зўр маҳорат талаб этади. Шунга кўра, бу иш энг тажрибакор пахта усталари раҳбарлигида амалга оширилади.

Искандар Юсупов бригадасида бу ишга 30 йилдан буён ўша ерларда деҳқончилик қилиб, экинларга ҳаёт суви бериб келаётган Юсуф ота Отажонов раҳбарлик қилмоқда.

Шўр ювиш иши дастлаб ерни ғўзапоядан тозалаш ҳамда баланд-паст жойларни текислашдан бошланади.

Ерни яхшилаб текислаш, экилган уруғни бир текис ундириб олиш, тўла гектар ҳосил қилиш, экиннинг парваришини беками-кўст ўтказиш ва сувдан яхши фойдаланиш имкониятини бериши бригада аъзоларининг ўз тажрибаларида қатор йиллар мобайнида синалиб келинмоқда.

Агар ер текис бўлмаса, ер сатҳидаги шўр бир текис ювилмайди, бир вақтда экилган уруғ бараварига униб чиқмайди. Бундан ташқари, ер текис бўлмаса, бир картадаги ғўзанинг ривожланишида хилма-хиллик юз беради. Оқибатда ҳосил ҳам олдинма-кетин етилиб, ҳосилдорлиги ҳам паст-баланд бўлади.

Ана шунга яхши тушунган бригада аъзолари ер текислашни энг муҳим агротехник тадбир деб қараб, уни жуда сифатли ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Бригадада ер текислаш ишлари текислагич машинасида ва айрим жойлари эса қўлда бажарилади. Бу ишда ҳам Юсуф ота кўз-қулоқ бўлиб туради. Унинг кўргазмасига мувофиқ, ҳар бир картадаги баланд жойлар пастқам, яъни сув қўлланадиган жойларга ётқизилади.

Айрим сув чиқмайдиган дўнг жойларнинг тупроғи пастроқ жойларга едирилади.

1964 йилда бригада ер текислашга қарийб 896 киши-куни сарфлади. Бу ишнинг атиги 21 процентга яқини машинада бажарилиб, унга ҳаммаси бўлиб 13 киши-куни сарфланди.

1963 йилда бригада бу иш учун ҳар гектар ҳисобига қарийб 15,5 киши-куни сарфлаган бўлса, 1964 йилда 14,8 киши-куни ёки колхоз бўйича олинган ўртача ҳисобдан 32 процент кам меҳнат сарфлади.

Ер текислаш ишлари тугаллангач, ҳар бир картанинг шароити ва рельефи ҳисобга олинган ҳолда барча карталар 0,05 дан то 0,25 гектаргача бўлган ҳажмда чел (пол)ларга бўлиб чиқилади. Бу иш махсус уват кўтаргич механизм ёрдамида бажарилади.

Чел уватлари 45—50 сантиметр баланд қилиб олинади. Уватларнинг бундай баланд олиниши картанинг ҳамма жойини бир текис бостириб суғориш имкониятини беради.

Бундан ташқари, ҳар бир чел учун махсус ўқариқ олинади. Бу билан ҳар бир челга сувнинг мустақил бориши таъминланади ва натижада бир челдан иккинчи челга сув сира ўтказилмайди ва четга партов қилинмайди ҳамда пол уватларидан сувнинг уриб кетишига мутлақо йўл қўйилмайди.

Чел олиб бўлингач, сув қўйилади. Ҳар бир участканинг шўри неча марта ювилиши шу участканинг шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Бригада аъзоларининг ер шўрини ювиш бўйича ўзига хос системаси бор. Шунга мувофиқ биринчи ювишда ҳар гектарга 1.500—1.800 кубометр сув қўйилади. Демак, биринчи шўр ювишда сув кам қўйилади. Агар биринчи марта кўп сув қўйилса, тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобилияти йўқолади, яъни унинг капиллярлиги камаяди, натижада тупроқ бетидаги шўр пастга чўкмай қолади.

Биринчи сувдан сўнг 5—6 кун ўтгач, яъни ер сувни симириб бўлгач, иккинчи сув тўлдириб қўйилади. Шундан сўнг 3-, 4- ва 5-сув кетма-кет қўйила беради. Айрим участкаларнинг шўри олти ва ундан ҳам ортиқ ювилади.

Шўри тоза ювилган тупроқ қизғич рангга киради ва бу тупроқ тез тобга келади. Шўри тоза кетмаган ернинг ранги қорайиб туради ва тезда тобга келмайди.

Маълумки, шўр ювишда фойдаланилган сув ер тагига чўкиб, зовурларга тушади. Бу сув катта коллекторларга ўз вақтида қочирилмаса, ерни яна қайтадан шўр босади.

Шўри ювилган карталардаги челлар дарҳол йиқитилиб, 2 кун мобайнида уват ўринлари қурилади ва тобга желтирилади.

1964 йилда Искандар Юсупов бригадаси 4 марта шўр ювди. Бу ишни амалга оширишда ҳам бригада механизациядан кўпроқ фойдаланди. Натижада бир гектар ердаги шўрни ювишга 1,8 киши-куни сарфлади, бу колхоз бўйича шу ишга сарфланган меҳнатдан 27 процент камдир.

Шўр ювиш муддатлари об-ҳаво, ташкилий хўжалик ишларга ва ариқ-зовурларнинг муддатида қазилишига қараб белгиланади.

Утган йили Искандар Юсупов бригадаси бу ишни 1—20 февралда, яъни бошқаларга қараганда қарийб бир ой илгари тугаллади.

Шўр ювишни барвақт тугаллаш баҳорда қилиниши лозим бўлган бороналаш, ер текислаш, баҳорги ҳайдаш ва шу сингари бошқа ишларни эрта муддатларда ўтказиш имкониятини беради.

Амударё қуйишида, шу жумладан Хоразм воҳасида об-ҳаво ва тупроқ хусусиятларининг ўзига хослиги ана шу ерлар шароитига мувофиқ келадиган: ер текислаш, шўр ювиш, ер ҳайдаш, чигит экишдан олдин тупроққа ишлов бериш ва чигит экишдан иборат пахта етиштиришнинг ўзига хос технологияси ишлаб чиқилган.

Ана шу технологияга амал қилган Искандар Юсупов бошлиқ бригада аъзолари ҳам ерни чигит экишга жуда пухта тайёрлайдилар. Чунки ерни экишга яхши тайёрламай туриб, пахтадан юқори ҳосил олиш мумкин эмаслигига бригада аъзолари ўзларининг кўп йиллик тажрибалари мисолида кўрганлар.

Шўри ювилган ерлар тобга келиши билан олинган челлар йиқитилади ва тайёрланган компост, маҳаллий ва минерал ўғитлар ер бетига сепилади.

1964 йилда бригада аъзолари товуқхона ахлати, кул, гўнг ва қўй қийларидан иборат 1.260 тонна маҳаллий ўғит тайёрладилар ҳамда уни ҳайдашдан олдин ер бетига сепадилар. Бундан ташқари, ҳар гектар пахта майдо-

нига 500 килограммдан суперфосфат ва 150 килограммдан сульфат аммония сепилди.

Бу иш «навозаразбрасыватель» ва «тукаудабритель» каби механизмлар ёрдамида ҳамда қўлда бажарилади. Сўнгра ерни текислаш, тупроқни донатор ва юмшоқ қилиш мақсадида 2—3 марта яхшилаб борона қилинади.

Бороналашдан сўнг предплужникли ҳамда борона уланган уч корпусли плуг билан ер 32—35 сантиметр чуқурликда сифатли қилиб ҳайдалади. Яна ерни текислаш ишлари бошланади. Бу ишни амалга ошириш учун махсус оғир мола тайёрланади. Мола билан текисланиши мумкин бўлмаган жойлар лапатка ва кетмон ёрдамида текисланади.

Бундан ташқари, бригада аъзолари чигитни бир текис ундириб олиш, ўсиш олдидан турган бегона ўт уруғларини йўқотиш мақсадида чуқур қилиб ҳайдалган карталарда икки марта узунасига ва икки марта кўндалангига чизеллайдилар — сўнгра эса чигит экиладиган майдон боронланади ва оғир (500 килограмм) темир мола билан бостириб ташланади. Бу ишларнинг ҳаммаси механизмлар ёрдамида бажарилади.

Бригада аъзолари кетмонда ер текислаш, бегона ўт томирларини териш ва карта уватларига чиқариб ташлаш, карталарнинг бурчакларини ва уват рошларини тартибга солиш ишлари билан ҳам шуғулланадилар.

Бригада аъзолари ҳар бир карта худди стол юзидек текис бўлиши учун курашадилар ва бунга эришадилар. Ахир тупроғи нимғдор яхши ишланган теп-текис майдон — чигитни бир меъёрли чуқурликка кўмиш, тўлиқ кўчат олиш, ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериш, ғўзаларни бир текис қондириб суғориш имкониятини беради.

Бу тадбирларни сифатли қилиб, энг яхши агротехник муддатларда ўтказиш ҳар бир туп ғўзанинг барабар ва яхши ривожланиши учун қулай шароит яратиб беради.

Демак, мўл ҳосил етиштириш учун пойдевор ҳар бир агротадбир амалга ошириляётганда қўйилади.

Бу оддий ҳақиқатни ҳар бир бригада аъзоси жуда яхши тушунади.

Пахтачиликнинг муваффақияти кўп жиҳатдан чигит экишнинг энг яхши ва қулай муддатини белгилаб олишга боғлиқ.

Бригаданинг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатади-

ки, Искандар Юсупов ва унинг ўртоқлари деҳқончилик қилаётган ер шароитида чигит экишнинг аниқ муддатини белгилаб бўлмайди.

Чигит экиш муддатлари ҳақидаги умумий агротехник тавсияларни ҳар йилнинг об-ҳаво шароитига қараб, ўз тажрибаларига суянган ҳолда ҳар майдон ва карта учун ҳар йили экишдан олдин чигит экиш муддати белгилаб чиқилиши керак. И. Юсупов ҳар йили шундай қилади.

Ерни экишга тайёрлаш ишлари ўтган йил 18 апрелда тугалланди. Шундан сўнг чигит экишга киришилди.

Чигит 8 иш-кунида, яъни 18—26 апрелда оддий сеялкада қаторлаб экилди. Қаттиқ дўл ва тинимсиз ёмғир бўлганлиги туфайли 26 гектар майдондаги чигит қайта экилди. Апрель ойида экилган чигит 4—5 сантиметр чуқурликка кўмилади. Майнинг бошида экилган чигит эса 6—7 сантиметр чуқурликка кўмилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бригадада экишгача қилинадиган ишларнинг механизациялаш даражаси жуда паст. Бунинг натижасида жуда кўп меҳнат сарф қилинмоқда. Лекин меҳнат сарфи Аваз Ўтар номли колхознинг бошқа бригадаларига қараганда бирмунча кам.

Масалан, И. Юсупов бригадасига қўшни бўлган Болтабой Қурбонов бригадаси (бу бригада ер-сув, моддий техника ҳамда меҳнат ресурслари И. Юсупов бригадаси билан тенг бўлган ҳолда 67 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнер ҳосил етиштирган) билан таққослаштирак, бу ҳол янада равшан бўлади (3-жадвал).

Маълумки, Хоразм воҳасининг суғориладиган ерлари қаттиқ шўрланган. Бу ерларни об-тобига келтириш жуда кўп меҳнат талаб қилади. Хусусан юқори ҳосил етиштиришга отланганлар меҳнатни аямайдилар.

Хоразм колхозлари пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнат фондининг қарийб 30—33 процентини чигит экишгача ва экиш даврида сарфлайдилар.

Масалан, Искандар Юсупов бошлиқ бригада экишгача ва экиш даври учун йиллик меҳнат сарфи фондининг 28,5 процентини, Б. Қурбонов бригадаси 32,2 процентини, Аваз Ўтар номли колхоз эса қарийб 33 процентини сарфлайдилар.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, И. Юсупов бригадаси чигит экишгача ва экиш даврида ҳар бир гектар ҳисобига 71,7 иш куни, етиштирилган бир тонна пахтага эса қарийб 13 киши-куни сарфлаган бўл-

Бир гектар пахта майдониға ва 1 тонна пахта етиштиришга
чигит экишгача ва экиш учун қилинган меҳнат сарфлари
(киши-кунни ҳисобида)

Т. №№	Баजारилган иш номлари	И. Юсупов			Б. Қурбонов		
		иш кунни сарфи		Мавсумга нис- батан % (ҳисо- бида)	иш кунни сарфи		Мавсумга нис- батан (ҳисо- бида)
		1 гек- тарга	1 тонна пахтага		1 гек- тарга	1 тонна пахтага	
1	Ерни ғўзапоядан то- залаш	1,67	0,30	2,32	2,93	0,97	4,37
2	Гўнг тайёрлаш, та- шиш ва сепиш . .	34,47	6,23	48,04	31,42	10,47	46,91
3	Ариқ-зовурларни қа- зиш	10,27	1,86	14,31	7,30	2,43	10,90
4	Чел олиш, шўр ювиш ва чел йиғиш . . .	9,58	1,73	13,35	10,70	3,56	15,95
5	Ер текислаш ва уни экишга тайёрлаш .	14,86	2,69	20,71	13,93	4,64	20,80
6	Ер ҳайдаш ва чигит экиш	0,89	0,16	1,22	0,73	0,23	1,07
	Ж а м и	71,74	12,97	100,0	67,01	22,30	100,0

са, шу мақсад учун Б. Қурбонов бригадаси 67 иш кунни ва 22,3 киши-кунни сарфлади.

И. Юсупов бригадаси мавсумда сарфланган иш кунларининг 48 процентини гўнг тайёрлаш, ташиш ва пахта майдонларига сепиш ишларига, қарийб 21 процентини ер текислаш ва пахта майдонларини экишга тайёрлашга, 14,3 процентини ариқ-зовурларни қазишга ва 13,5 процентга яқинини эса карталарни челларга бўлиш, шўр ювиш ҳамда чел йиғиш ишларига сарфладилар. Б. Қурбонов бригадасида эса бу ишлар учун моё ҳолда 47, 21, 11 ва 16 проценти миқдорида киши-кунни сарфланди.

Жадвал маълумотларидан ҳар иккала бригадада ҳам экишгача ва экиш давридаги иш турлари бўйича қилинган иш кунни сарфлари бир хиллиги кўриниб турибди. Агар шу меҳнат сарфларини етиштирилган ҳар тонна пахтага бўлинса, И. Юсупов бригадасида пахта етиштириш

Б. Қурбонов бригадасидагига қараганда бирмунча интенсив олиб борилаётганини ва шу асосда меҳнат унумдорлиги муттасил оширилаётганини кўрамыз.

Масалан, И. Юсупов бригадаси 1 тонна пахта етиштириш учун гўнг тайёрлаш, уни ташиш ва ер бетига сепишга 6,2 киши-кун сарфлаган бўлса, бу мақсад учун Б. Қурбонов бригадаси 10,5 киши-кун сарфлаган. Шунингдек, бошқа барча ишларга ҳам И. Юсупов бригадаси Б. Қурбонов бригадасидагига нисбатан 2, 2,5 баравар кам киши-кун (меҳнат) сарфлаган.

Фан ютуқлари ва илғор тажрибага суяниб, деҳқончилик қилаётган И. Юсупов бошлиқ бригада деярли ҳар йили ўз майдонларида чигитни тўлиқ кўкартириб, нормал кўчат қалинлигини таъминламоқдалар. Ана шундан кейинги ҳосилнинг тақдири гўзаларни энг яхши агротехника муддатларида сифатли парвариш қилишга боғлиқдир.

Гўза қатор ораларига ишлов бериш шундай ташкил этиладики, культиватор органлари қарийб 38—40 см жойни юмшатиб кетади. Айниқса, биринчи культивация ўтказишга алоҳида эътибор қилинади.

Гўзага ишлов беришнинг бу даври тракторчидан алоҳида ҳушёрликни ва яхши маҳоратни талаб этади. Бу даврда культиватор органлари бирмунча кенг қўйилади. Бундан гўза билан баравар униб чиққан бегона ўтларни йўқотиш кўзда тутилади. Шунинг учун тракторчи ҳушёр бўлмаса, гўза майсаларини культиватор органлари кесиб кетиши мумкин.

Бундан ташқари, гўзага биринчи ишлов бериш пайтида культиваторнинг изидан тўртта жолхозчи юриб, тупроқ кўмиб кетган гўза ниҳоллари устини тупроқдан холи қилиб кетади. Бу ишни қилмаган айрим бригадалар ниҳолнинг талай қисмини йўқотмоқдалар.

Биринчи культивация ўтказиш жараёнида культиватор қанотига ўрнатилган СУЗ машинаси билан ҳар гектарга 150 килограмм аммиак селитраси ва сульфат аммоний, қўй қийи, товуқхона ахлати ва чиринди гўнг аралашмаси берилади.

Берилган бу озиқ ёш гўза ниҳолларнинг тез ривожланишини таъминлайди, тупроқдаги намни сақлайди, баҳорда рўй бериб турадиган турли совуқлардан майсани ҳимоя қилади. Бунини И. Юсупов бригадасининг бир неча йиллик тажрибаси исботламоқда.

Бригада 1964 йилда ғўзага биринчи ишлов беришни 2 майдан бошлаб, 10 майда тугаллади.

Чигити қаторлаб экилган карталарда яганалашни ўз муддатида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга ва юқори ҳосилнинг тақдири ҳам кўп жиҳатдан шу ишни ўз вақтида амалга оширилиши билан ҳал қилинади.

Бригада аъзолари ҳар бир жартанинг шароитига, яъни зўр ва кам қувватлигига қараб ҳар метрда 5 тадан то 7 тагача ниҳол қолдирадилар.

Бригадада илгариги йилларда ягана қилувчи ҳар бир колхозчи қўлига пўсти олинган чигит бериб, хато кўкарган жойларга чигит кўмиб кетиш топширилар эди. Бу иш яхши натижа бермади. Чунки масъулиятни чуқур ҳис қилувчилар экиб, масъулиятсизроқ колхозчилар экмасди. Натижада тўлиқ гектар вужудга келтириш жуда мураккаблашди.

Шуни ҳисобга олиб, бригадир чигит униб чиқиши биланок соф виждон билан ишловчи тўрт колхозчини фақат хато экиш ишига қўймоқда. Бу иш бирмунча яхши натижа бериб, ўтган йили ҳар гектар майдонда 85—90 минг кўчат қалинлиги таъминланди.

Биринчи культивация ва яганалаш тугаллангач, пахта майдонлари бегона ўтлардан мутлақо тозаланади. Сўнгра 20 сантиметр чуқурликда қайта наральник ва бритва осилган культивация ўтказилади. Бу культивация орқали бегона ўтлар йўқотилади, биринчи культивация натижасида вужурга келган кесаклар майдаланиб, нам тупроқ билан қуруқ тупроқ аралаштирилади. Ана шундан сўнг биринчи сув қўйишга тайёрлик кўрилади.

Ғўза вегетацияси даврининг энг муҳим тадбирларидан бири — ғўзаларни қондириб суғориш ҳисобланади. Пахтадан юқори ҳосил олишда суғоришни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун И. Юсупов даставвал сувчиларни танлашга ва энг уста, тажрибали колхозчиларни сувчилик ишига қўйишга алоҳида аҳамият беради. Бригада бўйича суғориш ишларига Юсуп ота Отажонов раҳбарлик қилади.

И. Юсупов бригадаси айниқса ғўзага биринчи сув беришга алоҳида эътибор беради. Иш чуқур эгат олиш билан бошланади.

Вегетация даври учун белгиланган барча минерал ва

маҳаллий ўғитларнинг 85—90 проценти ана шу биринчи эгатга қўшиб берилади. Ҳар гектар пахта майдонига 800 килограмм аммиак селитраси ва шунча маҳаллий ўғит солинади. Қисқаси, СУЗ маркали ўғитлагич машинанинг зазорлари ланг очиб қўйилади.

Барча жарталардан ўқ ариқлар олинади.

Ўқ ариқ олиш бригада шаронтида анча мураккаб иш ҳисобланади. Чунки шўр ювишда олинган чел ўринларини топиб, биринчи сув қўйишда ҳам шу челлар тикланиши лозим. Акс ҳолда ёш ғўзалар қониб сув ичолмайди, натижада ғўзанинг ўсиши паст-баланд бўлиб қолади.

Ҳар бир картанинг шаронтига қараб 25 метрдан то 50 метргача узунликда ва 40—45 см. чуқурликда ўқариқ олинади.

И. Юсупов бригадасининг тажрибаси биринчи сувдан сўнг ғўза қатор ораларига ишлов бермасдан, балки 2—3 кун ўтиши билан яна сув қўйиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Сувнинг устма-уст қўйилиши, биринчидан, кўп миқдорда солинган минерал ва маҳаллий ўғитларнинг ғўза танасига яхши ҳазмланишини таъминласа, иккинчидан, ғўза бўйини 55—60 сантиметр ўстиради.

Шундан сўнг ўқ ариқлар йиқитилиб наральник тақилган культиватор билан 7—8 см. чуқурликда ва ўртанчи панжасини эса 20 см. чуқурликда культивация ўтказилади. Бундай қилинганда культиваторнинг ён наральниклари ғўза томирига шикаст етказмайди, ўртанчи панжа эса ғўза қатор ораларида намнинг сақланишини таъминлайди. Қатор оралари 60 см. бўлган участкаларда культиватор наральниги ва панжалари 45 см. кенгликда юритилади.

Культивациядан сўнг, чуқур чопиқ ва ўтоқ ўтказилади. Шундан сўнг ғўзаларнинг сувга желиши кутилади. Қайси участка сув талаб бўлса, яна дарҳол эгат олинади ва худди биринчи галдагидек чел ўринларини ўқ ариқлар эгаллайди. Эгат олиш жараёнида гектарига 250—300 килограмм ҳисобида сульфат аммоний ва икки баробар маҳаллий гўнг берилади.

— Иккинчи эгат олишга қадар ғўзанинг бўйи яхши ўстирилмаса,— дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Юсупов,— улардан кўзланган миқдорда ҳосил шохи вужудга келтириб бўлмайди. Иккинчи эгат олиниб, ғўза қатор оралари очиб ташланиши билан ғўза-



2-ра с.м. Искандар Юсупов, кекса пахтакорлар: Сафо Бекниёзов, Матчон Полвонов ва Ражаб Матчоновлар билан маслаҳатлашмоқда.

ларнинг бўйга ўсиши секинлашади. Бундан кейинги даврда ғўзалар тана — тўш қўяди ва ҳосил шохлари кўпаяди. Майнинг охирларида эса ҳар туп ғўзада 14—16 тагача шона санаши мумкин бўлади. Иккинчи сувдан сўнг яна ўқ ариқлар бузилиб, ғўзага ишлов берилади. Кетмон чопиғи ва ўтоқ қилиш йўли билан ёввойи ўтлар йўқотилади. Сўнгра учинчи сув учун эгат олинади. Бу гал гектарига 40—50 килограммдан калий ва 450—500 килограмм ҳисобида эски девор кесаклари берилади. Калий ва эски девор кесаклари ғўзанинг ҳосил тугунчаларини сақлаб қолади. Чунки кўп сув қўйилганлиги туфайли ернинг зарурий шўри ҳам ювилиб кетади. Калий ва кесак эса ўша зарурий тузни бериб, шона ва ҳосил тугунчаларини тўкилиб кетишдан сақлаб қолади.

Олимларнинг фикрича, ғўзанинг биология ва физиологиясига кўра ўсимлик ердаги озуқа моддаларининг 90—95 процентини барги орқали олади. 5—10 процент моддадан эса илдизи орқали фойдаланади. Шунинг учун

ғўза баргларининг соғлом бўлиши талаб этилади. Бу эса ғўзани турли касалликлардан ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан сақлашни тақозо қилади.

Ғўза биологияси ва физиологиясига мувофиқ барг ва илдининг яхши ҳаракат қилиши натижасида тупроқда тўпланган органик моддаларнинг 50 процентини ўсиш, яъни барг, шох ва туп бўлиши учун сарфлайди. Қолган 50 процентини шоналарига беради.

Ана шуни яхши билган Искандарчилар шоналарнинг жундан-кунга кўпайиши ва унинг гулга айланишини таъминлаш учун ўтказиладиган ҳар бир агротехника тадбирини пухта ва сифатли амалга оширадilar.

1964 йилда И. Юсупов бригадасининг кўпчилик участкаларида 3 марта, айримларида 4 марта эгат олиниб, пахта қатор оралари чуқур культивация қилинди. Лекин 3—4 марта эгат олинишига қарамасдан 8 марта суғорилди.

Мўлжалланган барча минерал ўғитлар 16 июлда, бошқа ўғитлар эса июлнинг охирида ғўзаларга бериб бўлинди. Августнинг бошида ҳар туп ғўза тагига эски девор кесаклари қўйиб чиқилди.

Бундан ташқари, ғўза вегетацияси даврида қўйилган сув шарбат орқали оқизилди. Махсус машинада Хева, Урганч, Янгиариқ ва Богот сингари сераҳоли жойлардан гектар бошига 3 тонна ҳисобида ҳожатхона ташилди ва сув қўйиш жараёнида шарбат қилиб оқизилди.

Ана шундай ишларни амалга оширган бригада аъзолари 17 июнда ғўзаларнинг тўлиқ гуллашига ва дастлабки ҳосил кўсаклари туга бошлашига эришди.

15 июнда ҳар туп ғўзада 7—8 та, 15 августда эса бригада пахта далаларида 12—15 та етилган кўсак ҳосил этилди. Сентябрь ойининг бошида ҳар туп ғўзада 20 та кўсак санаш мумкин бўлди.

20 августда ўтказилган апрабация бригада пахта далаларининг ҳар гектарида 45 центнер ҳосил борлигини аниқлади. 28 августда ўтказилган апрабация натижаси эса ҳар гектар майдонда 55 центнер ҳосил борлигини кўрсатди.

Бригада аъзолари 1—5 августда ғўзаларни тўлиқ чеканка қилиб бўлган эдилар.

Шуни эътироф этиш керакки, бу хил қувончли натижалар ўз-ўзидан келгани йўқ, албатта. Бу ғўза парва-

риши даврида сарфланган жуда кўп ва баракали меҳнатнинг натижасидир.

Искандар Юсупов бригадаси йиллик киши-куни сарфининг 23,7 процентини гўза парвариши даврида сарф-

4-жадвал

Бир гектар пахта майдонига ва 1 тонна пахта етиштиришга
гўза парвариши даврида қилинган меҳнат сарфи
(киши-куни ҳисобида)

Т. №№		И. Юсупов			Б. Қурбонов		
		Иш куни сарфи		Мавсумга нисбатан % (ҳисобида)	Иш куни сарфи		Мавсумга нисбатан % (ҳисобида)
		1 гектар майдон-га	1 тонна пахтага		1 гектар майдон-га	1 тонна пахтага	
1	Яганалаш, гўза тупларини ростлаш ва хатосига чигит экиш	9,53	1,72	15,99	4,55	1,52	7,83
2	Ўтоқ ва кетмон чопиғи	17,10	3,09	28,69	13,44	4,48	23,07
3	Ўғит тайёрлаш, ташиш ва уни далага сепиш	8,95	1,62	15,02	2,65	0,88	4,54
4	Далаларни сугоришга тайёрлаш ва сугориш	12,63	2,28	21,17	27,07	9,02	46,51
5	Ҳашаротга қарши кураш	7,11	1,29	11,93	6,88	2,29	11,82
6	Гўза қатор ораларига ишлов бериш	2,30	0,42	3,88	1,92	0,64	3,31
7	Гўзани чеканка қилиш	1,97	0,36	3,32	1,70	0,57	2,92
		59,59	10,78	100,0	58,21	19,40	100,0

лаган бўлса, Б. Қурбонов бошлиқ бригада 28 процентини сарфлади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳар иккала бригадада ҳам бу даврда бир гектар пахта майдонини ишлашга 59 киши-куни сарфланган. 1 тонна пахта етиштиришга эса бу даврда И. Юсупов бригадаси 10,8

иш куни, Б. Қурбонов бригадаси — 19,4 иш куни сарфлади.

И. Юсупов бригадаси ғўза парвариши даврида пахта майдонларини ўтоқ қилиш ва кетмон чопиғи ўтказиш ишларига айниқса, жўп иш куни сарфлади. Бу иш учун бригада шу давр учун сарфланган жами иш кунининг 28,7 процентини, далаларни суғоришга тайёрлаш ва суғориш учун 21,2 процентини сарфлади.

Б. Қурбонов бригадаси ғўза парвариши даври учун сарфланган жами иш кунининг 45,6 процентини далаларни суғоришга, 23 процентини эса ўтоқ ва кетмон чопиғига сарфлади.

Колхоз бўйича ҳам вегетация даврида далаларни суғоришга тайёрлаш ва суғориш ишларига шу мавсумда сарфланган киши-кунининг 40—45 проценти сарфланади. Бу И. Юсупов бригадасига қараганда 2,3 баравар жўп.

Искандар Юсупов бригадасида бу иш учун меҳнат сарфи кескин жамайган. Бунга сабаб бригада пахта майдонларининг яхши текисланганлиги ва суғориш ишларига қисман сифонли трубкачалар ва кўчма трубалардан фойдаланганлигидир.

Маҳаллий ва минерал ўғитлар — юқори ҳосил гарови

Искандар Юсупов бригадасида гўнг тайёрлаш, уни ташиш ва ерга сепиш ишларига йил давомида бир меъёрда эътибор қилинади.

Шунга кўра бу иш учун киши-кунни сарфи Б. Қурбонов бригадасига қараганда қарийб 3,5 баравар жўп. Бир гектарга ҳисоблаганда И. Юсупов бригадаси 8,95 иш куни, 1 тонна пахтага эса 1,62 иш куни сарфлаган бўлса, Б. Қурбонов бригадаси эса бу ишларга 2,65 иш куни ва 0,88 иш куни сарфлаган.

И. Юсупов бригадасининг аъзолари маҳаллий ўғитнинг юқори ҳосил етиштиришдаги аҳамиятига яхши тушунадилар ва муттасил маҳаллий ўғит тайёрлашга эътибор қиладилар. 1964 йилда бригада пландаги 945 тонна ўрнига 2022 тонна гўнг, чиринди тупроқ ва девор жесаги тайёрлади. Бу бир гектар пахта майдонига ўртача 32 тоннадан тўғри келади.

Б. Қурбонов бригадаси ўтган йили ҳаммаси бўлиб,

1,421 тонна ёки ҳар гектар ҳисобига 21 тоннадан маҳаллий гўнг тайёрлади.

Демак, И. Юсупов бригадаси 1 центнер пахта етиштириш учун 575 килограмм гўнг сарфлаган бўлса, Б. Қурбонов бригадаси 707 килограмм гўнг сарфлаган.

Таққослаш шунинг кўрсатаяптики, И. Юсупов бригадасида маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш Б. Қурбонов бригадасидагига қараганда бирмунча яхши иқтисодий самара бермоқда.

Ахир далага гўнг чиқариш ва уни ўсимликка сепишнинг ўзи етарли эмас. Аввало қайси участка ёки карта гўнг талаб ва у гектарига қанча миқдорда гўнг солишни талаб этади ва бошқа шунга ўхшаш агротехника тадбирларини билмаслик ҳам маҳаллий ўғитларнинг иқтисодий самарасини пасайтириб юборади.

Худди шундай аҳволни И. Юсупов бригадасига қўшни бўлган Б. Қурбонов бригадасида содир бўлган дейиш мумкин. Шундай бўлмаганда пахта далаларига чиқарилган маҳаллий ўғитлар ҳажми жиҳатдан И. Юсупов бригадасидан деярли фарқ қилмаган ҳолда бу бригада ҳар гектар пахта майдонидан И. Юсупов бригадасидагига қараганда 25,6 центнердан кам ҳосил олмаган бўлур эди.

Минерал ўғитлар ўсимликнинг энг яхши озиғи ҳисобланади. Ғўзага берилган ҳар бир килограмм азот, фосфор ва бошқа минерал ўғитлар қўшимча ҳосил келтиришининг эндиликда барча пахтакорлар яхши тушунадилар. Лекин пахтачиликда химия воситаларининг кенг қўллашни деҳқончилик маданиятини юқори кўтаришни талаб этади.

И. Юсупов бригадасида минерал ўғитлардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Шунга кўра бу ерда ишлатилган минерал ўғитлар юқори иқтисодий самара беради.

1963 йилда ҳар гектар пахта майдонига 1.345 килограмм аммиакли селитра, 334 килограмм сульфат аммоний ва 1.740 килограмм суперфосфат солиниб, 63 гектар майдоннинг ҳар гектарида 53 центнердан пахта ҳосили олинган эди.

1964 йили ҳар гектар ҳисобига солинган минерал ўғитлар дозаси бирмунча оширилиши натижасида ҳар гектардан олинган ҳосил 55,3 центнерга етказилди.

Ғўзага берилган бир килограмм соф азот эвазига

21—22 килограмм пахта олинди. Минерал ўғит учун сарфланган бир сўм эвазига эса 12 сўм 20 тийин даромад олинади.

Унинг қўшниси Б. Қурбонов бригадаси 1964 йилда ҳар гектар пахта майдонига 990 килограмм аммиакли селитра, 45 килограмм калийли селитра, 1.500 килограмм ҳисобида сульфат аммоний ва 1 420 килограмм суперфосфат солди. Рақамлардан минерал ўғитлар дозасининг жуда юқорилиги кўриниб турибди. Лекин бу ўғитларнинг иқтисодий самараси И. Юсупов бригадасиникига қараганда жуда паст. Масалан, бир килограмм соф азот ҳисобига 6—7 килограмм пахта ва минерал ўғитлар учун сарфланган ҳар бир сўм эвазига эса 6 сўм 88 тийин даромад олди.

Бу бригадада минерал ўғитларнинг иқтисодий самарасининг бу даражада пастлигига асосий сабаб ҳали бригадада қайси минерал ўғит қанча дозада ва қайси муддатларда ғўзага берилиши қатъий белгиланмаган.

Бригадир ва унинг айрим аъзолари — қайси картада қандай модда етишмайди ва бунини қайси минерал ҳамда бактериал ўғитлар орқали тўлдириш мумкинлигини ҳисобга олмайдилар.

Масалан, ўтган йил ҳеч керак бўлмаган ҳолда, яъни ер талаб қилмаган бўлса ҳам юқори дозада сульфат аммоний (гектарига 1500 килограмм) берилди. Б. Қурбонов бошлиқ бригада ерлари 1500 кг эмас, балки камроқ миқдорда бу ўғитга муҳтождир.

Бунини агроном бошлиқ бригадир, қолаверса бригаданинг барча аъзолари пухта ўйлаб кўришлари ва пахта майдонларига минерал ўғит солишнинг ихчам ва такомиллашган пухта системасини ишлаб чиқишлари талаб этилади.

Бегона ўтлар ўсиб ётган ғўза майдонларига сепилган минерал ўғитлар ҳам яхши натижа бермайди. Чунки ўт босган участкаларга минерал ўғит берилгач, бу ўтлар тез ривожланиб кетади ва ғўзани сиқиб ташлайди. Ўтган йили Б. Қурбонов бригадасида ана шу хил ҳодисалар ҳам содир бўлган эди.

Шунга кўра, минерал ўғитлардан яхши самара олиш учун деҳқончилик маданиятини кўтариш, колхозчилар малакасини ошириш ва ер шароитини ҳисобга ол-

ган ҳолда ўғит солиш системасини ишлаб чиқиш талаб этилади.

И. Юсупов бригадасида минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш бирмунча яхши йўлга қўйилган. Бригада фосфорли ва азотли ўғитларнинг бир қисмини ва барча маҳаллий ўғитларни ерга чигит экишгача ва гўза ўсувининг дастлабки даврларида солади.

Фосфорли ўғитларнинг 80—90 проценти, азотли ўғитларнинг 25—30 проценти ва ҳар гектар ҳисобига 20 тоннадан маҳаллий ўғитлар баҳорги ер ҳайдашдан олдин, яъни чигит экишгача бўлган даврда солинади.

Экишгача ерга солинадиган суперфосфат, албатта, маҳаллий ўғитлар билан аралаштирилиб берилади. Бригадада суперфосфатни гўнгга қўшиб компостлаш кенг қўлланилмоқда.

Гўнг билан минерал ўғит аралаштирилиб компост қилинса, фосфорнинг ерга яхши сингиши ва дуруст самара бериши таъминланади.

И. Юсупов бригадаси ерга минерал ўғит солишда унинг нормасига ҳамда азот ва фосфор нисбатининг тенг бўлишига катта эътибор беради.

Гўза зараркунандаларига қарши кураш ишларини ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказиш — юқори ҳосил етиштиришда муҳим фактор ҳисобланади. Шунинг учун ҳам И. Юсупов бошлиқ бригада аъзолари бу тadbирни ўтказишга жиддий эътибор берадилар.

Бригада аъзолари гўза зараркунандаларига қарши курашни март ойининг бошидаёқ авж олдирадилар. 15 апрелга қадар, яъни чигит униб чиққанга қадар барча майдон, карта уватлари ва ариқ бўйларига гектарига 1 200 литр ҳисобида 10 процентли корбаллинум эмульсияси сепилади.

Такрорий дорилаш эса апрелнинг охири ва май ойининг бошларида яна шу доривор билан ёки 4 процентли нитрофен эмульсияси билан гектарига 1 800 литр ҳисобида сепилади.

1964 йилнинг июнь ойида карта уватларида ва ариқ бўйларида карадрин пайдо бўлди. Кейинроқ эса бу зараркунанда гўзаларга ҳам кўча бошлади. Зарарланган участкалар мителмеркаптофос доривори билан ишланди. Бу операция ОДН ортилган трактор чанглагичида гектарига 1 000—1 200 грамм ҳисобида сепилди.

Июль охирида ва август ойи бошида гўза майдон-

лари яна карадрина билан зарарланди. Бу сафар зарарланган участкалар гектарига 0,5 килограмм ҳисобида 30 процентли меркаптофос билан самолётлар ёрдамида ишлаб чиқилди. Зараркунанда батамом йўқотилди.

Пахта теримини механизациялаш — пахтачиликдаги техника тараққиётининг бош йўлидир

Пахтачиликда комплекс механизацияни тугаллаш вазифасини амалга оширишда пахта ҳосилини териб-йиғиб олишни механизациялаш энг мураккаб ва оғир вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу вазифанинг муваффақиятли ҳал қилиниши пахта терими даврида талаб этиладиган жуда катта меҳнат сарфининг камайтирилишига, пахтачиликда меҳнат унумдорлигининг кескин кўтарилишига, пахта етиштириш таннархининг пасайишига олиб келади.

Бундан ташқари, бу вазифанинг тўла-тўқис ҳал қилиниши майдонларни эрта кузда ғўзапоядан тозалаш, сифатли шудгорлаш ҳамда келгуси йилда мўл ҳосил етиштиришни таъминловчи кузги-қишки агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказиш имкониятини беради.

Илғор хўжаликларнинг йил давомида пахтачиликка сарфлаган меҳнатларини анализ қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги даврда барча меҳнат сарфларининг 10 процентга яқини экишгача бўлган ва экиш вақтида қилинадиган ишларга, 35—40 проценти вегетация давридаги ишларга, 50—55 проценти ҳосилни йиғиб олишга тўғри келар экан.

Бунда ҳосилни теришга кетадиган барча меҳнат сарфларининг 80 процентга яқини пахтани қўлда теришга ва машинадан ерга тўкилган пахталарни териб олишга сарф қилинмоқда.

Хоразм область колхозларида, шу жумладан И. Юсупов бригадасида йиллик меҳнат сарфининг мавсумлар бўйича тақсимланиши бошқа область хўжаликлариникига қараганда бирмунча фарқ қилади.

Хоразм область колхозлари ерларнинг кескин шўрланганлиги ва мелиоратив ҳолатининг пастлиги ҳамда

катта ҳажмдаги тупроқ ишларининг бажарилиши ва кўп миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар чиқарилиши бу ерда пахта етиштириш учун бўладиган йиллик меҳнат сарфининг мавсумлар бўйича тақсимланиши республиканинг бошқа областларидаги хўжаликларга қараганда бирмунча фарқ қилади.

Масалан, Искандар Юсупов бригадаси 1964 йили пахта етиштириш учун қилинган барча сарфларнинг 28,5 процентини экишгача ва экиш даври ишлари учун, 23,7 процентини ғўза вегетация давридаги ишларга ва 47,8 процентини пахта терими даврида сарфлаган.

Келтирилган рақамлар терим даврида бошқа мавсумларга қараганда 1,7—2 барабар кўп меҳнат сарфланганини кўрсатмоқда. Демак, бригада шароитида ҳар бир колхозчи экишгача ва экиш даврида ҳамда вегетация даврида терим даврига қараганда 2 барабар кўп майдонни ишлаган.

Умуман И. Юсупов бригадаси терим даврида 1 тонна пахта етиштиришга 21,8 киши-кун, шу жумладан пахтани қўлда теришга эса 17,8 киши-кун сарфлаган. Б. Қурбонов бригадасида эса бу мақсад учун 27,6 ва 21,3 киши-кун сарфланган.

Ҳисоблар шуни кўрсатадики, пахтачиликда ишловчи ҳар бир колхозчи йиғим-терим даврида терим ишларининг механизациялаштириш даражаси 35—40 процент ва ҳар гектардан олинadиган ҳосил ўрта ҳисобда 27—28 центнер бўлганда 1,3—1,5 гектар майдондаги ҳосилни териб ололади.

Ҳосилдорлик гектар бошига 55,3 центнер бўлган И. Юсупов бригадасида атиги 0,64—0,75 гектар майдондаги ҳосилни териб олади. Бунинг устига ерга тўкилган пахталарни териш қўшилса, ҳар бир колхозчи 0,40—0,45 гектар майдондаги пахтани тераолади, холос.

Йиғим-терим даврида сарфланган меҳнатни жадвалдан кўриш мумкин (33-бетга қаралсин).

Жадвал маълумотларидан энг кўп меҳнат пахта ва кўракни қўлда теришга (1 тонна пахта етиштиришга 17, 18 киши-кун) ва энг оз меҳнат эса уни машинада (0,32 киши-кун) теришга сарфланганлиги кўриниб турибди. Бу кўрсаткич Б. Қурбонов бригадасида 21,3 ва 0,40 киши-кунига тенг.

Пахтани машинада териш қўлда теришга қараганда

И. Юсупов ва Б. Қурбонов бригадасида йиғим-терим мавсумида
1 гектар майдонга ва 1 тонна пахтага сарфланган меҳнат
(киши-куни ҳисобида)

Т. №№		И. Юсупов			Б. Қурбонов		
		Иш кунн сарфи		Мавсумга нисбатан (% ҳисобла)	Иш кунн сарфи		Мавсумга нисбатан (% ҳисобла)
		1 гектарга	1 тоннага		1 гектарга	1 тоннага	
1	Пахта майдонларини теримга тайёрлаш	13,82	2,50	11,48	12,75	4,25	15,43
2	Пахта ва кўракни қўлда териш	98,45	17,81	81,80	63,85	21,27	77,27
3	Пахта ва кўракни машинада териш .	1,79	0,32	1,49	1,20	0,40	1,44
4	Пахтани қуритиш, тозалаш ва транспортировка қилиш	6,30	1,14	5,23	4,84	1,62	5,86
		120,36	21,77	100,0	82,64	27,54	100,0

меҳнат унумдорлигини 30—50 бараварга ошириши ва теримга сарфланадиган маблағни 30—40 процент тежалиши илғор хўжаликлар тажрибаси мисолида исботланган. Искандар Юсупов бригадасида ҳам шундай ҳолни кўриш мумкин (6-жадвал). (34-бетга қаралсин).

Агар Искандар Юсупов бригадасидаги пахтанинг ҳаммаси қўлда терилса, 63 гектар майдондаги пахтани териб олиш учун 2.521 киши-куни талаб этилар эди.

Бундан ташқари, пахта қўлда терилганда ҳосилни йиғиб-териб олиш даври декабрь ойининг охиригача чўзилиб кетади. Бу эса ҳосилнинг бирмунча қисмининг nobud бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, ариқ-зовурларни қазиш, ерни ғўзапоядан тозалаш, ер ҳайдаш ва бошқа кузги-қишки ишлар кейинга сурилиб, келгуси йил мўл ҳосил учун кўриладиган тайёргарлик ишларининг кечикиб кетишига олиб келади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган Искандар Юсупов

Пахтани қўлда ва машинада теришда меҳнат
унумдорлиги ва ишлаб чиқариш харажатлари
(бажарилган ишлар элементлар бўйича)

Т. №	Кўрсаткичлар	1 тонна пахта етиштириш учун сарфлан- ган вақт (соат ҳисобида)		1 тонна пахта етиштириш учун сарфлан- ган маблағ (сўм ҳисобида)		Меҳнат унумдорлиги- нинг ўсиш даражаси (марта)	Қўлда терилганга нис- батан машина терими- да тежалган маблағ (% ҳисобида)
		қўлда те- рилганда	машинада терилганда	қўлда те- рилганда	машинада терилганда		
1	Тўла очилган пахта- ни териш	144	3,2	39,60	17,30	45	56,3
2	Пахта териш (бунга теримга тайёргар- лик кўриш ва ҳо- силни ташиш учун кетган сарфлар ҳам қўшилади)	144,5	5,1	40,63	21,01	28,3	50,1
3	Пахта териш (бунга теримга тайёргар- лик кўриш, қайта ишлаш ва транс- портировка ишла- ри учун бўлган сарфлар ҳам ки- ради)	153,7	13,1	45,16	26,20	11,7	42,4
4	Машинадан кейин тў- килган пахтани қўлда териб олиш- га кетган сарфни қўшиб ҳисобла- ганда	153,7	29,3	45,16	33,40	5,2	36
5	Жами сарфлар (кўрак териш ва далалар- ни тозалаб чиқиш билан бирга қўшиб ҳисоблаганда) . .	174,1	37,6	53,10	38,71	4,6	27,1

пахта теримини механизациялашга киришди. 1962 йили бригадир жами етиштирилган пахтанинг 10 проценти-
ни, 1963 йили 12 процентини ва 1964 йили эса 38,8
процентини пахта териш машинаси билан териб олди.
Искандар Юсупов бригадаси йил сайин кўпроқ
пахтани машинада териш тадбир-чораларини кўймоқ-

да. Бригада терим бошланишидан олдин пахтаси машинада териладиган майдонларни машина теримига пухта тайёрлайди.

Аввало, машина терими учун текис ва тўғри тўрт бурчакли майдонлар ажратилади. Бундай далаларда экин қаторлари тўғри чиққан бўлиб, асосий ва туташ қатор ораларининг кенглиги бир хилда бўлади, бу эса пахта териш машиналари ишлаётганда ғўза тупларининг пайхон бўлмаслиги учун жуда муҳимдир.

СоюзНИХИ (Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институти) маълумотларига кўра, бегона ўтлардан тозаланган далаларда машиналар пахтанинг 82 процентдан ортигини териб олади, бегона ўтлар билан кучли суратда ифлосланган далаларда эса 53 процентини териб олади ва ҳосилнинг 14—15 проценти ерга тўкилади. Бу эса пахтани ердан териб олиш учун кўп меҳнат сарфлашга сабаб бўлади.

Ана шуни яхши тушунган И. Юсупов бригадаси машина терими учун ажратилган участкаларни бегона ўтлардан яхшилаб тозалайди. Бригада аъзолари яхши билишадики, бегона ўтлар пахта терими суръатини кескин пасайтиради, машинада терилган пахта кучли ифлосланади, натижада терим агрегатларининг иш унуми пасайиб кетади.

Сўнгра машина айланадиган майдонлар тайёрланади. 5—6 метр жойдаги ғўза ўриб олинади ва карта уватига тахлаб қўйилади. Очилган жойдаги ариқ ва эгатлар механизмлар ёрдамида текислаб қўйилади.

Пахтаси машиналарда териладиган участкаларда сўнгги культивация тупроқ оби-тобида бўлган пайтда ўтказилади. Бунинг натижасида тупроқ жуда яхши майдаланади. Бу эса машиналарнинг нормал ишлаши учун зарурдир, чунки ғўза қатор ораларида йирик кесаклар бўлса, ғўза тупининг пастки ярусларида жойлашган кўсаклардан пахтани териб олиш учун машинанинг иш аппаратларини керакли даражада пастга туширишга йўл қўймайди.

Бригада механизаторлари машина терими бошланмасдан олдин ҳар бир агрегатни теримга пухта тайёрлайдилар. Искандар Юсуповнинг ўзи бригадага биркирилган иккита ХВС-1,2 пахта териш машинасини шахсан текшириб чиқади ва маълум ажратилган майдонда регулировка қилиб чиқади.


Бригада механизаторлари агар машинанинг ҳамма аппаратлари соз бўлмаса, пахта теримига тушмайди-лар. Бу 2—3 йилдан буён одат тусига кириб қолган.

Машина теримига тайёргарлик кўришнинг муҳим тадбирларидан бири ғўза баргини тўктириш (дефолиация қилиш) ҳисобланади.

1964 йилда дефолиация самолётлар орқали 14 сентябрда бошланиб, 16 сентябрда тугалланди. Бу бригада шароитида энг яхши муддат ҳисобланади. Чунки бу вақтда ғўзаларда камида 3—4 та яхши очилган пахта бўлади.

Искандар Юсупов бригадасининг тажрибаси дефолиация цианамид кальция ва пелохлоридмагний билан эрта тонгда шудринг кўтарилмай ўтказилганда ғўза барги бир ҳафта ичида батамом тушишини кўрсатди.

22—23 сентябрда ғўзанинг барги батамом тўкилиб, кўсакларнинг қарийб 55—60 проценти очилди ва Ис-



3-ра с.м. Искандар Юсупов ва шериги — бригада аъзоси Абдушариф Худойберганов билан биргаликда ғўзага берилётган ўғит миқдорининг тўғри тушишини текширмоқда.

кандар Юсуповнинг ўзи ҳамда унинг аъзоси механик-ҳайдовчи Абдушариф Худойбергановлар 25 сентябрда ўз агрегатлари билан пахта теримини бошладилар.

Утган йили биринчи терим 25 сентябрда бошланиб, 15—16 октябрда тугалланди. Иккинчи терим эса 16—30 октябрда ўтказилди. Бригадада иккита ХВС-1,2 пахта териш машинаси ишлади. Биттасини бригадирнинг ўзи бошқариб, мавсумда 82 тонна пахта терди. Иккинчи агрегатни эса бригада аъзоси Абдушариф Худойберганов бошқариб, мавсумда 72 тонна пахта терди.

Бу механик-ҳайдовчилар ўз агрегатларини илгаридан белгилаб қўйилган маршрут бўйича ҳаракат қилдирдилар. И. Юсупов ва унинг шериги «Пахтаорол» совхозининг механизаторлари тавсия этган ХВС-1,2 агрегатининг ҳаракат схемасини қўлламоқдалар.

Бу схема бўйича терим агрегатининг иш ҳаракати қуйидагича ташкил қилинади:

Ҳар бир машина учун кенглиги 40 қатордан бўлган пайкал ажратилади (агар пайкаллар даланинг четидан бошланса, дастлабки 2 қатор ҳисобга кирмайди, чунки улардаги пахта қўлда териб олинади).

Пайкал иккита бир-бирига тенг участкага бўлинади. Биринчи навбатда машина биринчи участкадаги пахтани агрегат ҳаракатининг йўналиши бўйича ўнг томонидан кириб бориб териб олади, сўнгра эса иккинчи участкадаги пахта терилади.

Механик-ҳайдовчи дастлабки икки қатордаги пахтани териб бўлгач, машинани чапга буриб, 20-қаторга йўл олади, 19- ва 20-қаторлардаги пахтани териб, яна машинани чапга буради ҳамда 3- ва 4-қаторлар томон йўл олади, участканинг ўртасидаги тўртта қатор (9-, 10-, 11- ва 12-қаторлар) қолгунча, ишни ана шундай айлана тарзида давом эттираверади.

Механик-ҳайдовчи 13- ва 14-қаторлардаги пахтани териб бўлгач, машинани ўнг томонга буриб, иккинчи участкага киради ҳамда 21- ва 22-қаторлардаги пахтани териб олади, шундан кейин чапга бурилиб, охириги қатор томон йўл олади ҳамда 39- ва 40-қаторлардаги пахтани териб олади. Шундан кейин машина биринчи участкада қандай ҳаракат қилган бўлса, бу ерда ҳам шундай ҳаракат қилади.

Иккинчи участкада ҳам тўртта қатор қолдириб, ҳайдовчи биринчи участкага йўл олади ва туташ кон-

тур бўйлаб ҳаракат қилиб, биринчи ва иккинчи участкаларда қолдирилган қаторлардаги пахтани териб чиқади.

Пайкал ажратаётган пайтда иш процессида уларни топиш осон бўлиши учун 20- ва 40-қаторларни белгилаб қўйиш тавсия этилади. Белгилар ана шу қаторларга кириш томонида, яъни биринчи кириш (заезд)нинг қаршисида қўйилади. Қолган барча заездлар қийинчилик туғдирмайди, чунки машина ҳар сафар терим аппарати билан чапдаги энг сўнгги ишланмаган қаторга кира беради. Пахтаси терилган қаторлар машинанинг ўнг томонида қолдирилади.

Бу ҳаракат схемасининг қўлланилиши бурилишлардаги бўш юришларни (холостые переезды) йўқотиш ҳисобига машинанинг иш унумдорлигини 5 процентга оширади ва пахтанинг ерга тўкилишини анча камайтиради, чунки машинанинг ортки ўнг филдираги ҳамма вақт пахтаси терилган қатор ораларидан ўтиб, олдинги филдираги эса терилмаган гўзаларнинг фақат бир томонига тегиб ўтади.

Ана шу йўсинда машина теримини ташкил этган Искандар Юсупов бригадаси зангори агрегатлар билан 136,2 тонна, ёки жами ҳосилнинг 38,8 процентини териб олди. Машина терими плани бригадада ошиғи билан бажарилди.

Иғим-терим ишларида поток усулдан фойдаланиш, яъни пахтани бункердан машинага ағдариш ва тўғри тайёрлов пунктига етказиш меҳнат ва маблағни тежаш имкониятини беради.

Пахтани қоп-қанорсиз ташишни жорий қилиш меҳнат сарфи ва маблағларнинг анча тежаб қилинишини таъминлайди. Буни С. И. Дисанский, Г. А. Ландес, Э. Раҳимовларнинг «Совой» совхози бўйича келтирилган маълумотларидан кўриш мумкин (39-бетга қаралсин).

Жадвалдан кўриниб турибдики, бир тонна пахтани қоп-қанорсиз ташишда, қанорларда ташилишига қараганда 2,8 киши-соат меҳнат ва 5,04 сўм маблағ тежалар экан.

Агар «Совой» совхозидаги пахта ташиш нуқтан назаридан Искандар Юсупов бригадаси кўрсаткичларини таҳлил қилсак, 1964 йилда бригада етиштирилган пахтани қоп-қанорсиз ташишдан 986 киши-соат (141 киши-кун) ва 1 774 сўм маблағ тежади.

**„Совой“ совхозида бир тонна пахтани ташиб олиш
учун қилинган меҳнат ва маблағ сарфлари**

Т. №№		Қоп-қанор- сиз ташил- ганда		Қоп-қанор- да ташил- ганда	
		соат	сўм	соат	сўм
1	Пахтани қанорга тиқиш	—	—	3,5	1,02
2	Қанорларни тикиш	—	—	0,8	0,20
3	Пахтани ортиш	3,5	1,02	1,0	0,29
4	Пахтани ортиш, бир жойдан ик- кинчи жойга олиш ва ағдариш	1,1	0,34	2,1	0,83
5	Пахтани ташиш	—	3,32	—	1,25
6	Қоп-қанорларнинг нархи	—	0,77	—	6,90
Ж а м и сарфлар:		4,6	5,45	7,4	10,49

Пахта йиғим-терими даврида пахтани машинада териш, бункердан қоп-қанорсиз тўппа-тўғри прицеп ва машиналарга юклаб, тўғри тайёрлов пунктига жўна-тишни ташкил этган Искандар Юсупов бригадаси сен-тябрь ойининг охирида колхоздаги бошқа бригадалар-дан кейинда бўлишига қарамай, 10 октябрда ва фақат колхоздагина эмас, балки областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

**Маҳсулот таннархининг пасайиши ва
рентабелликнинг ошиши**

Пахта етиштиришдан келадиган даромадни оши-ришда ва меҳнатга юқори даражада ҳақ тўлашда ки-ши-қунини тежаш билан бирга маҳсулот бирлигига сарфланадиган материал ва маблағ харажатларини ҳам тежаш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бригада аъзоларининг иш ҳақи кўп жиҳатдан етиштирилган маҳсулотнинг таннархига боғлиқ.

Қуйида 1964 йилда И. Юсупов ва Б. Қурбонов бригадаларида пахта етиштириш учун сарфланган тўғ-ри харажатлар калкуляциясини келтирамиз (8-жадвал).

Т. №№	Материал ва маблағлар номи	И. Юсупов		Б. Қурбонов		И. Юсупов бригадасида Б. Қурбонов бригадасига нисбатан (+ кўп; —03).
		жами сарф- лар (сўм ҳисобида)	1 тонна пахтага (сўм ҳисо- бида)	жами сарфлар	1 тонна пахтага (сўм ҳисо- бида)	
1	Ассий ва қўшимча иш ҳақи . . .	34893	99,2	17829	88,7	+11 процент
2	Сарфланган уруғ қиммати	1425	4,1	1765	8,8	—2,2 марта
3	Минерал ўғитлар қиммати	10173	28,9	10380	51,6	—1,8 марта
4	Трактор ва пахта териш машинаси- га сарфланган ёнилги ва мойлаш материаллари	1743	5,0	1761	8,8	—1,8 марта
5	Ўзаларни химикатлар билан дори- лаш (дефоляция ҳам кирadi) . . .	4076	11,59	3974	19,8	—1,7 марта
6	Трактор ва пахта териш машина- ларини ремонт қилиш; техник қаровдан ўтказиш	1226	3,5	750	3,7	— 5 процент
7	Амортизация чегирншлар	1026	2,9	591	2,9	—
8	Қоп-қанор ва майда инвентарлар қиммати	740	2,1	394	2,0	+ 4 процент.
9	Бошқа харажатлар	3862	11,0	2845	14,1	—29 процент.
10	Автотранспорт сарфлари	989	2,0	1054	5,2	— 46 процент
		60150	171,10	41343	205,60	—17 процент

Жадвал рақамларидан кўриниб турибдики, 1 тонна пахта етиштириш учун материал ва маблағ харажатларининг деярли ҳамма турлари бўйича И. Юсупов бригадаси кам материал ва кам маблағ сарфлаган.

Бунинг боиси шундаки, бригадада пахта етиштириш учун сарфланган материал ва пул юқори ҳосил олиш билан яхши қопланган. Натижада пахта таннархи тўғри харажатлар бўйича И. Юсупов бригадасида 17,10 сўм, Б. Қурбонов бригадасида 20,60 сўмга тушган.

Хусусан минерал ўғитларнинг иқтисодий самараси И. Юсупов бригадасида Б. Қурбонов бригадасига қараганда 1,8 барабар юқорилиги, бу бригадада деҳқончилик маданияти қўшни бригадага қараганда ва умуман колхоз бўйича бирмунча юқорилигининг далилидир. Чунки Аваз Ўтар номли колхозда 1 центнер пахтанинг таннархи 1964 йилда тўғри харажатлар бўйича 20,20 сўмга, умумий харажатлар бўйича эса 24,70 сўмга тушган.

Колхоздаги кўпчилик бригадаларда меҳнат ва материал-пул харажатлари ноҳўя сарфланиши натижасида етиштирилган пахта таннархи юқори тушган.

Пахта таннархининг юқорилиги бригаданинг пахта етиштиришдан оладиган даромадининг камайишига ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг пасайишига олиб келишини Аваз Ўтар номли колхознинг айрим бригадалари билан И. Юсупов бригадаси кўрсаткичларини солиштириш кифоя (42-бетга қаралсин).

Жадвал маълумотларидан Искандар Юсупов бригадаси қолган олтига бригадага қараганда бир гектар пахта майдонига 25—50 киши-кун кам меҳнат сарфлаганлиги билан бирга бу бригадаларга нисбатан ҳар гектар пахта майдонидан 1,7—2,2 барабар кўп пахта ҳосили кўтарган. Бир центнер пахта етиштириш учун сарфланган меҳнат ҳам юқоридаги бригадаларга нисбатан И. Юсупов бригадасида қарийб 1,5 дан 2,5 мартагача камлигини кўриш мумкин.

Меҳнат ва маблағ сарфининг бундай паст-баландлиги етиштирилган пахта таннархининг ҳам бу бригадаларда юқорилашиб кетишига сабаб бўлган. Буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин (42-бетга қаранг).

Етиштирилган пахта таннархини арзонлаштириш борасида ҳам Искандар Юсупов бошлиқ бригада юқо-

1964 йилда пахта етиштиришга сарфланган тўғри меҳнат харажатлари

Т. №№	Бригада бошлиқларининг исми ва фамилияси	Пахта майдони, гектар	Бир гектардан ҳосил, центнер	Жами ҳосил, центнер	Жонли меҳнат сарфи, киши-кунин ҳисобида		
					жами	1 гектарга	1 центнер пахтага
1	Искандар Юсупов .	63	55,3	3516	16006	251	4,5
2	Ибодулла Саъдуллаев	68,5	28,2	1936	18751	276	9,8
3	Матёқуб Эгамов . .	63,5	25,5	1611	17626	276	11
4	Ҳожи Тангриберг- анов	67	24,7	1656	17001	254	10,3
5	Иброҳим Матёқубов	67	32,9	22,05	18710	280	8,8
6	Жуманиёз Сапаев . .	60	28,5	1719	18115	302	10,6
7	Болтабой Қурбонov .	67	30,6	2011	13925	209	6,7

10-жадвал -

1964 йили етиштирилган 1 центнер пахтанинг тўғри харажатлар бўйича таннархи

Т. №№	Бригадирларнинг исми ва фамилияси	1 центнер пахтанинг таннархи (сўм ҳисобида)
1	Искандар Юсупов	17,10
2	Ибодулла Саъдуллаев . .	26,10
3	Матёқуб Эгамов	24,15
4	Ҳожи Тангриберг-анов . .	23,45
5	Иброҳим Матёқубов . . .	22,50
6	Жуманиёз Сапаев	22,40
7	Болтабой Қурбонov	20,60

ридаги бригадаларга қараганда маҳсулот таниархини 17 процентдан 34,5 процентга пасайтиришга эришган.

Бу ҳол ўз навбатида пахтачиликдан келадиган соф даромаднинг ҳажмига салбий таъсир кўрсатади. Буни И. Юсупов бригадаси кўрсаткичлари билан М. Матёқубов ва Б. Қурбонов бригадалари кўрсаткичлари таққосланса, янада равшанроқ кўринади.

11-жа д в а л

Т. №№	Бригадирларнинг исми ва фамилияси	Пахта ештириш- га кетган жами сарфлар (минг сўм)	Пахта сотишган келган жами пул, (минг сўм ҳисо- бида)	Олинган соф даромад			
				жами минг сўм ҳисобида	1 гектар ҳисо- бига (сўм ҳи- собида)	1 центнер ҳи- собига (сўм ҳисобида)	Сарфланган 1 тн кунини ҳи- собига (сўм ҳисобида)
1	Искандар Юсупов .	60,1	124,3	63,9	1011	18,90	4,10
2	Иброҳим Матёқубов	50,1	77,8	27,7	413,40	12,50	1,40
3	Болтабой Қурбонов .	41,4	71,3	30,0	430	14,90	2,16

Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Искандар Юсупов бригадаси ҳар гектар пахта майдони-дан 1011 сўм соф даромад олгани ҳолда Иброҳим Матёқубов бригадаси 413,40 сўм, Болтабой Қурбонов бригадаси эса 430 сўм соф даромад олганлар. Бир центнер пахта ҳисобига эса Искандар Юсупов бригада-си 18,90 сўм соф даромад олган бўлса, Иброҳим Матёқубов бригадаси —12,50 сўм, Болтабой Қурбонов бри-гадаси —14,90 сўм соф даромад олган, холос.

Искандар Юсупов бригадасида план бўйича 92,9 минг сўмга пахта сотиш мўлжалланган бўлса, бригада ҳақиқатда 124,3 минг сўмга, ёки пландагидан 44,4 минг сўмлик ортиқ пахта сотишга муваффақ бўлган.

Бундан ташқари, бригада аъзолари пахтани юқори сорт билан топширишга катта эътибор берадилар. Планга мувофиқ, Искандар Юсупов бригадасида 1599 центнер пахтани 1-сорт билан топшириш белгиланган эди, ҳақиқатда эса 2.190 центнер пахта 1-сортга топши-рилди. Бунинг эвазига бригада 8348 сўм қўшимча да-ромад олди.

Бу хил яхши тадбирларнинг амалга оширилиши пиро-вардига келиб, бригада аъзоларининг меҳнат ҳақлари-

нинг ошишига ижобий таъсир қилди. Масалан, 1964 йилда И. Юсупов бошлиқ бригада аъзолари 7 350 сўм қўшимча ҳақ олдилар. Бу асосий иш ҳақининг 34 процентига тенг.

Натижада ҳар бир иш кунининг қиммати И. Юсупов бригадасида 2,80 сўмни ташкил этган ҳолда, И. Матёқубов бригадасида—1,70 сўмни, колхоз бўйича ўртача эса 2,07 сўмни ташкил этди.

Моддий манфаатдорлик принципини тўғри амалга ошириш меҳнат унумини тобора юқори даражага кўтаришини, маҳсулот таннархини эса муттасил пасайтиришини И. Юсупов ва унинг аъзолари яхши биладилар ҳамда шунга қатъий риоя қиладилар.

Искандар Юсупов издошлари

Ҳар гектар пахта майдонидан муттасил 53—55 центнер ҳосил кўтариш — бу чинакам қаҳрамонлик! Бу муваффақиятни Искандар Юсупов ва унинг аъзолари осонлик билан қўлга киритаётганлари йўқ. Улар бундай юксак натижага изланиш, ташаббус кўрсатиб ишлаш, ижод қилиш, янгиликни ҳис этиш ва прогрессив усулларни дадил қўлланиш туфайли эришмоқдалар.

Искандар Юсупов бригадасида қўлланилаётган агротехниканинг янги, прогрессив усуллари кўп йиллик тажриба натижасидир. Бу тажриба халқ бойлиги, уни кенг оммалаштириш ва бошқаларни ҳам шу усуллар билан ишлашга ўргатиш муҳим вазифа. Искандар Юсупов буни жуда яхши тушунади. Шунга кўра ўз бригадасида яхши натижа бераётган илғор усулларни бошқаларга ўргатишга тиришади ва уларни пахтадан юқори ҳосил олишга тинмай чақиради.

1964 йили Искандар Юсупов талайгина йигинларда ўз тажрибасини ўртоқлашди. Бундан ташқари, марказий газета — «Совет Ўзбекистони»да «Меҳнатда жасорат кўрсатиш» (баҳор фаслида) ва «Мардларни майдон чорлайди» номли мақолалари билан барча пахтакорларни юқори ҳосил етиштириш учун мусобақага чақирди ва ҳосил тақдири ҳал қилинаётган долзарб кунларда уларга муҳим маслаҳатлар берди.

Республикада, хусусан Хоразм области пахтакорлари орасида, Искандарга тенглашиш ҳаракати авж олиб кетди. 1963 йили Искандар Юсупов издошлари-



4-расм. Искандар Юсупов ва Шайхназар Бекжонов пахта қатор ораларига берилаётган культивациянинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

нинг сони 20—30 кишидан ошмаган бўлса, 1964 йили уларнинг сони 200 га етди. Бу 200 бригада бошлиғи об-ҳаво ноқулай келган ва пахта зараркунандалари ҳужумкор бўлган 1964 йилда ҳам область тайёрлаш планини ва мажбуриятини бажаришида муҳим роль ўйнадилар.

Хоразм областидаги 182 та искандарчи бригадалар кўрсаткичларини анализ қилиш шунинг кўрсатдики, 1964 йилда булардан 10 таси ҳар гектар пахта майдонидан 30—35 центнер, 131 таси 36—40 центнер, 34 таси 41—45 центнер ва 7 таси 46—50 центнерга етказиб «оқ олтин» ҳосили олишга муваффақ бўлганлар.

Искандарчи бригадаларнинг иш тажрибасини ўрганиш шунинг кўрсатдики, буларда бошқаларга қараганда техника ва ишчи кучларидан бирмунча унумли фойдаланилади, агротехника ва механизация даражаси ба-

ланд ҳамда ҳосилдорлик юқори бўлиб, меҳнат унумдорлиги муттасил ошириб борилади.

Эндиликда Хоразм областидаги кўпчилик бригадаларининг меҳнат кўрсаткичлари И. Юсупов эришган даражага тобора яқинлашиб бормоқда.

Булар жумласига Шовот районидаги Киров номи колхозининг Машариф Ҳакимов ва Ражаббой Аҳмедов бошлиқ бригадалари, Янгиариқ районидаги Киров номи колхозининг Қурбонбой Абдуллаев бошлиқ бригадаси, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг Лев Давидович Ким бошлиқ бригадаси, Ҳазорасп районидаги Наримонов номи колхозининг Жумагул Нурматова бошлиқ бригадаси, Хева районидаги Охунбоев номи колхозининг Ота Омонов бошлиқ бригадаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

12-жадвал

Искандарчи бригадаларининг 1964 йилги иш натижалари

Т. №		Кўрсаткичлар						1 центнер пахта етиштириш учун сарфлар	
		пахта майdonи, гектар	1 гектардан ҳосил	бир колхозчига туғри келадиган нағрузка, гектар	бир колхозчи ҳисобида етиштирилган пахта, тонна	бир колхозчининг йиллик иш ҳақи, сўм	пахта термини моҳанализациялаш даражаси	киши-соат	сўм
1	Искандар Юсупов	63	55,3	2,4	13,5	1220	38,8	38	17,10
2	Машариф Ҳакимов	78	45,6	1,4	6,8	646	24,6	60	21,61
3	Қурбонбой Абдуллаев	82	39,3	1,8	6,8	517	25,8	33	11,28
4	Лев Давидович Ким	109	43,9	1,2	5,2	786	32,0	51	17,24
5	Жумагул Нурматова	68	44,7	1,0	4,9	935	25,0	38,1	23,20
6	Ота Омонов	69	40	1,6	6,3	742	26,0	33,4	20,55
7	Ражаббой Аҳмедов	59	41	0,7	2,9	505	14,5	70	24,16

Бу бригадалар Хоразм воҳасининг турли зоналарида жойлашган бўлиб, айримларининг ери унумдор, айримлариники шўр босган ва бирмунча камунум бў-

лишига қарамай, кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, пахтадан юқори ҳосил етиштирмоқдалар.

Бу илғор бригадаларнинг ҳосилдорлики ва меҳнат унумдорлигини оширишлари шуни кўрсатмоқдаки, Искандар Юсупов эришган даражага бошқа бригадалар ва хўжаликлар ҳам бемалол эришишлари мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1 центнер пахта етиштиришга Қурбонбой Абдуллаев бошлиқ бригада, ҳатто Искандар Юсупов бригадасига қараганда 15 процент кам меҳнат ва қарийб 20 процент кам маблағ сарфлаган.

Агар етиштирилган 1 центнер пахта таннархисининг структурасини анализ қилсак, масала тағин ҳам ойдинлашади.

13-жадвал

Бригадаларда етиштирилган 1 центнер пахта таннархисининг структураси

Т. №№	Бригадирларнинг исми ва фамилияси	Етиштирилган 1 центнер пахтанинг таннархи (сум ҳисобида)	Шу жумладан таннархга нисбатан % ҳисобида			
			иш ҳақи	ишлаб чиқариш харажатлари	амортизация ҳақи учун чегирини	административ хўжалик харажатлари
1	Искандар Юсупов .	17,42	53,2	39,2	4,2	3,4
2	Машариф Ҳакимов .	21,10	65,5	31,3	1,1	2,1
3	Қурбонбой Абдуллаев	15,53	48,9	43,2	7,1	0,20
4	Лев Давидович Ким	17,58	71,1	26,7	1,6	0,20
5	Жумагул Нурматова	23,19	82,4	13,4	3,7	0,50
6	Ота Омонов	20,06	58,9	37,7	2,7	0,7
7	Ражаббой Аҳмедов .	25,61	51,1	45,0	1,6	2,3

Маҳсулот таннархи структурасининг анализидан кўриниб турибдики, Жумагул Нурматова бошлиқ бригада 1 центнер пахта етиштириш учун бўлган сарфларнинг 82,4 процентини ташкил этган, ёки Искандар Юсупов бригадасига қараганда 29,2 процент кўп бўлган. Ишлаб чиқариш харажатлари эса 13,4 процентини

ташқил этган. Бу кўрсаткич И. Юсупов бригадасига қараганда 25,8 процент кам.

Демак, Жумагул Нурматова бригадаси ишлаб чиқариш харажатларини максимум даражада қисқартириш ҳисобига меҳнат ҳақини бошқа бригадаларга қараганда бирмунча оширган.

Бу ҳолни Лев Давидович Ким ва Машариф Ҳакимовлар бошлиқ бригадаларда ҳам кўриш мумкин. Лекин шунга қарамасдан, И. Юсупов бригадаси бошқа бригадаларга қараганда энг арзон пахта етиштирган.

Агар ишлаб чиқариш харажатлари И. Юсупов бригадасида ҳам худди Ж. Нурматова бригадасидек ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш кўпайтирилганда эди, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги янада оширилган бўлур эди.

Шундай қилиб, Искандар Юсупов издошлари ўтган хўжалик йилини яхши якунладилар. Уларнинг сафи бўйи тагин кўпаяди, чунки янгиариқлик машъал Искандар Юсупов уларнинг йўлини ёритиб турибди.

Резервлар ва режалар

Искандар Юсупов ва унинг издошлари тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу бригадаларда жуда кўп имкониятлар ва резервлардан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ.

Бунда хусусан мавжуд машиналар системасидан оқилона фойдаланиб, комплекс механизацияни жорий этиш асосида маҳсулот бирлигига бўладиган меҳнат сарфларини қисқартириш масаласини ҳал этиш керак бўлади.

Искандар Юсупов бригадасида ва умуман Хоразм колхозларида экишгача ва чигит экиш харажатларини бирмунча қисқартириш имконияти мавжуд. Чунончи 1 гектар пахта майдони учун маҳаллий гўнг тайёрлаш, ташиш ва уни далага сочиш ишларига республика колхозларида ўрта ҳисобда 1,5 иш куни сарфланган. Бу ишни амалга оширишда ҳозирги мавжуд механизация воситаларидан фойдаланилганда меҳнат сарфлари 0,25 киши-кунигача ёки уч баравар қисқаради.

Республика колхозлари 1963 йили ҳар гектар пахта майдонига ўртача ҳисобда 5 тонна маҳаллий ўғит ва

1,5 тонна минерал ўғит солганлар, ёки ҳар 1 тонна ўғитни чиқаришга 0,33 киши-куни сарфлаганлар. Демак, ҳар гектар пахта майдонини ўғитлаш учун 8 киши-куни сарфланган. Мавжуд механизация воситаларидан фойдаланилса, бу сарфлар, 2,6 барабар қисқаради.

Искандар Юсупов бригадаси ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 20 тонна маҳаллий гўнг, 3,4 тонна атрофида минерал ўғит солган ва 43,5 киши-куни сарфлаган ёки ҳар 1 тонна ўғитни чиқаришга 1,8 киши-куни сарфлаган. Бу ўрта ҳисобда республика колхозларидагига қараганда қарийб 5,5 барабар кўп.

Агар Искандар Юсупов бригадаси бир тонна ўғитни пахта майдонига чиқариш учун бўладиган сарфларни ҳеч бўлмаганда республика колхозлари даражасигача қисқартирса, фақат шунинг ўзидан 2 267 киши-куни тежаган бўлур эди. Гўнг ва ўғит чиқариш ишлари мавжуд механизмлар воситаси билан амалга оширилганда эса қарийб 2 600 киши-куни тежалган бўлур эди. Бу бригаданинг 1964 йилги киши-куни қиммати ҳисобида пулга чақилса 8 280 сўмни ташкил этади.

Бу муҳим резерв, бундан фойдаланиш маҳсулот таннархини қарийб 2,35 сўмга арзонлаштириш имкониятини беради.

Иккинчи муҳим резерв чигитни уяларга аниқ ташлайдиган СКГХ-4 сеялкаси билан квадрат-уялаб экиш ҳисобланади. Чигитни бу усулда экиш оддий квадрат-уялаб экишдагига қараганда ҳар гектаридан 20—25 килограмм чигит, экиш ва яганалаш ишларида 2,5—3 барабар меҳнат тежалади. Бундан ташқари ғўзани икки томонлама ишлаш ҳисобига чопиқ ва ўтоқ ишларида ҳам талай меҳнат сарфини қисқартириш имконияти туғилади.

Искандар Юсупов бригадасида ҳам чигитни тўлиқ квадрат-уялаб экиш мумкин. Бунинг натижасида меҳнат ва материал сарфларини тежаш мумкин бўлади.

Ерни текислаш ишларини ҳам механизмлар гарданига юклаш катта иқтисодий самара беради. Масалан, 1 гектар майдон қўлда текисланганда 1,6 киши-куни сарфланади, механизмлар воситасида текисланса 0,5 киши-куни кетади, холос.

Ўтган йили И. Юсупов бригадаси ер текислаш ишларида 1 гектар ҳисобига 14,9 киши-куни сарфлади. Бу

иш тўлиқ механизациялаштирилганда эса Хоразм ша-
роитида меҳнат сарфи қарийб 10 барабар тежалади.
Натижада ҳар гектар ерни текислашдан 13,4 киши-ку-
ни тежаш мумкин бўлади.

Ѓўзани чеканка қилишни механизациялаш ҳам му-
ҳим вазифа. Чунки Искандар Юсупов бригадаси бу иш
учун 1 гектар ҳисобига 1964 йилда 1,97 киши-куни
сарфлаган. Ваҳоланки, бу агротехника тадбири Т-28Х
тракторига уланган 4ВХ-4 машинаси билан амалга
оширилса, 1 гектар ғўзани чеканка қилиш учун ҳаммаси
бўлиб, 0,15—0,16 киши-куни сарфланди.

Демак, ғўза чеканкасини механизациялаш И. Юсу-
пов бригадасига ҳар гектар ғўза ҳисобига 1,8 киши-ку-
нини тежаш имкониятини беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Искандар
Юсупов ва унинг издошлари бошчилик қилаётган бри-
гадалар ҳали тўла комплекс механизациялашгани йўқ.
Бунга сабаб ҳали бу бригадаларда зарурий машиналар
етарли эмас.

Бундан ташқари, Хоразм колхозларидаги бригада-
ларнинг ҳажми бирмунча кичик. Талай колхозларни
группалаш шуни кўрсатдики, бригадаларга биркитил-
ган пахта майдонлари 70—75 гектардан ошмайди.
Комплекс механизациялаш учун бу бригадаларнинг
экин майдонларини 110—120 гектарга етказиш маши-
налар комплексини доимий қилиб биркитиш имкония-
тини берур эди.

Шуни назарда тутиб, биз Искандар Юсупов брига-
даси пахта майдонини 120 гектарга етказиш ва унга
қуйидаги мавжуд машиналарни доимий қилиб бирки-
тишни тавсия қиламиз:

Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг номи	Пахта майдони 120 гектар булган комплекс механизация- ланган бригадаларга биркитилган тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг сони
Т-28Х маркали чопиқ трактори	3
Чигитни эниқ уяларга ташлаб экувчи СТВХ-4 ёки СТХ-4 маркали сеялкалар	3
МВН 2,8 маркали ротацион мотига	1

Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг номи	Пахта майдони 120 гектар булган комплекс механиз- ацияланган бригадаларга бирктиладиган тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг сони
НКУ-4—6А маркали культиватор-удобри- тель	3
ЧВХ-4 маркали гўзани чеканка қилувчи машина	3
ХВС-1,2 ёки ХТ-1,2 маркали пахта териш машинаси	3
Т-28 маркали транспорт-трактор	1
ПТС-3—766 М маркали тракторга тиркалув- чи ўзи ағдарувчи прицеп	6
СКО-4 маркали кўсак терувчи машина	1
УПХ-1,5 маркали кўсак чувувчи машина	1
Тўкилган пахтани терувчи подборшчик	2
КС-4 маркали гўзапоя юлувчи машина	1
Чигит экишгача ва экиш ҳамда вегетация даврида хўжаликдан жалб этилиши лозим бўлган машиналар	
ДТ-5УА ҳайдов трактори	1
Беш корпусли плуг	1
ПУ-0,5 маркали погрузчик	1
СТН-2,8 маркали ўғитлагич сеялка	1
Чизель-культиватор	1
КЗУ-0,35Б рамага осилувчи чизель	1
Дискали борона	1
Палоделатель	1
ДТ-54А тракторига қатор қилиб тақадиган тишли бороналар комплекти	1
ПР-5 типли планировщик	1
Енгил грейдер	1
ОТН-4—8 маркали чаплагич ва пуркагич машина	1

ҚПСС Марказий Комитетининг Март (1965 йил)
Пленуми «Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш-
нинг энг зарур чоралари тўғрисида»ги масалани ҳар

На узбекском языке

К. ХАТАМОВ

кандидат экономических наук

МАСТЕР ВЫСОКИХ УРОЖАЕВ НА ЗАСОЛЕННЫХ
ЗЕМЛЯХ

Объединенное издательство
ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1965

Автор Кадыр Хатамов

Редактор И. Хўжаев
Техредактор В. Зубовская Корректор В. Ҳакимов

•

Теринга берилди 27/VII 1965 й. Босишга рухсат этилди
5/IX 1965 й. Қоғоз формати 84×108¹/₃₂. Босма листи 1,75.
Шартли босма листи 2,87. Нашриёт ҳисоб листи 2,82. Тиражи
17960 Нашр № 366. Р02301. Заказ № 4428. Баҳоси 6 тинини.

•

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бирлашган
нашриёти ва босмахонаси.
Тошкент, „Правда Востока“ кучаси, уй № 26.